

ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон нефть ва газ» – OGU-015» XIX халқаро кўргазмаси ва «Энергетика – Power Uzbekistan – 2015» X халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмаларда Хитой, Жанубий Корея, Франция, Буюк Британия, Германия, Австрия, Бельгия, Польша, Нидерландия, Италия, Чехия, Словения каби давлатлардан 200 дан ортиқ компаниялар қатнашди. Улар назорат-ўлчов, бургулаш, нефть ва газ асбоб-ускуналари, автомобилларга газ тўлдирish компрессор станциялари учун замонавий технологиялар ва кўплаб бошқа қурилмаларни намойиш этади.

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилган фестивалда сенаторлар, депутатлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, таниқли спортчилар иштирок этди. Уч кун давомида ёшларнинг мафкуравий дунёқараши ва маънавий камолотига хизмат қиладиган 14 лойиҳа бўйича тадбирлар ўтказилди.

● Халқаро валюта жамғармасининг Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси Тошкентда бўлди. У миссия иши яқунлари тўғрисидаги баёнотида «Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолликнинг сустиги, шунингдек, нефть нархи пастлиги билан ифодаланадиган мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намойён этмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5 фоиз ўсди. 2015 йилда иқтисодий ўсиш, қутилганидек юқори бўлади», деб айтиб ўтди.

● Урганчда «Жинойят ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш: ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари» ҳамда «Судьяликка номзодларнинг захирасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзуларида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг долзарб масалалари ҳамда судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр алмашилди.

● Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ташаббуси билан Нурота туманидаги сув чиқмайдиغان 100 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси асосида интенсив боб барпо этилди. Унга «Фахрийлар боғи» деб ном берилди. Қарийб 1,5 миллиард сўм сарфланган мазкур жойга Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтидан 92 минг туп ўрик, гилос, шафтоли, нок, олхўри каби дарахт кўчатлари келтириб ўтказилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР



Подполковник
Дилшод Холматович
МИРЗАМАМЕДОВ —
Андижон вилояти ИИБ
бошлигининг ўринбосари
лавозимида



Подполковник
Музаффар Азаматович
ОЧИЛОВ —
Хоразм вилояти Урганч
тумани ИИБ бошлиғи
лавозимида



Майор
Абдулла Ҳабибуллаевич
АБДУЛЛАЕВ —
Хоразм вилояти Янгибозор
тумани ИИБ бошлиғи
лавозимида



Майор
Фулом Машарифович
ШАРИПОВ —
Хоразм вилояти Шовот
тумани ИИБ бошлиғи
лавозимида

Хабар

ВАЗИРЛИҚДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ички ишлар идоралари ходимлари она-Ватанини юракдан севиши, унинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик билан хизмат қилмоғи лозим. Шу боисдан ходимларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда уларнинг сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиши давр талабидир.

Осойишталик посбонларини ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий ва сиёсий билимларини юксалтириш, муқаддас юрт тинчлиги, шунингдек, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш шарафли иш эканлигини юракдан ҳис этишига эришиш ИИБ раҳбариятининг доимий диққат марказида.

Республика ИИБ Маданият саройида вазирлик Марказий аппарати бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлимлари, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ва Транспортдаги ИИБ

шахсий таркиби билан «Ватанга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда маънавиятнинг ўрни» мавзусида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда бу борада атрафлича сўз юритилди. Тадбирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Халқ шоири, сенатор И. Мирзаалиев ҳамда республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси И. Даминов тақлиф этилди.

Маънавий-маърифий тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбо-

сари, полковник А. Мирзаев очиб, бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз — Ўзбекистонни улуғлаш, уни кўз қорачиғидай асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг халқимизнинг сеvimли шоири Иқбол Мирзо сўзга чиқиб, инсон ўз фикрини, ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрағида Ватанга муҳаббат туйғуси тобора илдиз отиб, улғая бориши, бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга бўлган меҳри ҳам шу қадар юксак бўлишини ҳаётий мисоллар орқали сўзлаб берди. Унинг истиқлолни мадҳ этувчи, инсонда ватанпарварлик туйғуларини уйғотувчи,

одамийлик фазилатларини улуғловчи шеърлари иштирокчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси И. Даминов ўз сўзида шахсий таркибга Ватаннинг нақадар муқаддаслиги, хотира ва қадрлашнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб ўтди. Шу билан бирга, бугунги глобаллашув жараёнида дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган нотинч ҳолатлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари хусусида мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбир ички ишлар идоралари ходимларида катта таассурот қолдирди.

Михли САФАРОВ,
кичик сержант.

Давра суҳбати

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизнинг изчил ривожланиши кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига боғлиқ. Чунки шахснинг ҳуқуқий фаоллиги демократик янгиланган йўлида белгиланган мақсадларга эришишнинг муҳим омилдир. Таъкидлаш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама баркамол, иродаси мустаҳкам, иймони бутун бўлиб етишиши учун фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ҳуқуқий маданият ва маънавий-маърифий ишларни самарали тарзда амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ана шу йўналишда амалга оширилган туб ўзгаришлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг шакл ҳамда йўналишларини белгилаб бермоқда. Ушбу ҳамкорликнинг кучайтирилиши мамлакатимиз фуқароларининг ҳокимият институтларига бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш юзасидан амалга оширилган чора-тад-

бирлар натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жинойят содир этилишини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш ишлари такомиллашиб, жойларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг яхшила-ниши таъминланмоқда.

Шу муносабат билан ИИБ Академиясида ҳам «Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги»

мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети, ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда вазирликнинг соҳавий хизматлари масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда мавзу юзасидан маърузалар тингланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш

бошқармаси бошлиғи, подполковник И. Турғуновнинг «Ҳуқуқий онгни шакллантиришда ички ишлар органларининг фуқаролик институтлари билан ҳамкорлиги» номи маърузаси барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Нотиқ ўз маърузасида жамиятда ҳуқуқий онгнинг шаклланишида фаол қатнашишлари учун авваламбор ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш истиқболлари, унинг норматив-ҳуқуқий жиҳатига оид масалалар мазкур фаолиятнинг тизимлиги, сифати ва самардорлигини таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб ҳар томонлама муҳофаза қилинди. Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, унинг таъсирчан механизмларини яратиш муҳимлиги таъкидланди. Анжуман ниҳоясида муҳофаза этилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Михли БОЙСУНОВ,
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

Байрам тадбирлари

ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланган Хотира ва қадрлаш кунининг «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида ўтганида рамзий маъно бор. Зеро, дунёдаги эрксевар халқларни фашизм балосидан қутқарган мард ва жасур инсонларнинг кўрсатган жасорати, матонати, уларнинг муқаддас хотираси асло унутилмасдир.

Байрам муносабати билан Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқарма-сида ўтказилган тадбирга тизимда узоқ йиллар фаолият юритиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар таклиф этилди.

Тадбирда подполковник Рустам Маҳмудов раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси масъул ходимлари ва шахсий таркиби фахрийлар билан суҳбат қураб экан, уларнинг панду насиҳатлари ҳамда ўғитлари хизмат фаолиятларида асқотаётганини эътироф этишди.

– Бугуни фараҳбахш ва дориламон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларни эъзозлаш, уларга эътибор қаратиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, майор Учқун Қодиров. – Инсон жасоратини эсга олиш ва уни қадрлаш бебаҳо маънавий бойлик, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятларимиздан биридир. Шундай экан, сиз, азизларни қанча қадрласак, қанча улугласак кам.

Ўз навбатида фахрийлар ҳам бундай эътибордан мамнунликларини билдирдилар.

– Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман, – деди истеъфодаги подполковник Обид Сайдалиев. – Бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун раҳбариятдан миннатдоримиз.

Тадбир давомида фахрийларга бошқарма ҳамда Бирлашган қасаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Сарвар СОБИРОВ.
Тошкент шаҳри.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қарши шаҳар ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши аъзолари истеъфодаги подполковник Баҳодир Очиловнинг хонадонига ташриф буюриб, унинг ҳолидан хабар олишди. У киши узоқ йиллар жиноят қидирув хизматида фаолият кўрсатиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини ўз вақтида фош этишда ўз маҳоратини аямаган, ҳамкасбларига намуна бўлганлардан биридир.

Тадбирда иштирок этган истеъфодаги полковник Н. Фуломов ҳамда истеъфодаги майор И. Хусанов соҳа фахрийсининг эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматларини алоҳида эътироф этишди.

Соҳибжамол АМИНОВА.
Қашқадарё вилояти.

Ички ишлар идораларида хизмат қилиб, бутун фаолиятини юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашга сарфлаган инсонлар билан ҳақли



равишда фахрлансак арзийди. Машаққатли касбнинг серташвиш кунлари-ю, сергалва тунларини бедор ўтказиб, ҳалол, фидокорона хизматлари эвазига обрў орттирган фахрийлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

Сирдарё тумани ИИБда фахрийлар билан бўлиб ўтган учрашув бунинг яққол намуна-сидир.

– Кексаларни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизга хос фазилат, – дейди туман ИИБ бошлиғи, капитан Фаррух Ўқтамжонов. – Байрам баҳона кўп йиллик қадрдонлар бир-бирлари билан дийдорлашдилар. Учрашув давомида бу касбнинг қийинчиликларини энгиб ўтиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш, жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги бой тажрибаларини ёшларга сўзлаб беришди.

Тадбирда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганлар ҳамда вафот этган устоз-фахрийлар хотирланди. Фахрийлар кўрсатилган юксак ҳурмат ва эъзоз учун миннатдорлик билдиришди.

Улғабек ҲАЙДАРОВ,
катта лейтенант.
Сирдарё вилояти.

Хоразм вилояти ИИБда ҳам Хотира ва қадрлаш куни кўтаринки руҳда нишонланди. Тантанали маросимда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ички ишлар идоралари фахрийлари ҳамда байналмилал жангчилар иштирок этди.

Улар бошқарма ҳовлисида юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш йўлида азиз жонини қурбон қилган ички ишлар идоралари ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг меҳмонлар вилоят ИИБнинг «Меҳнат ва жанговар шуҳрат» музейини томоша қилишди.

Вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Ш. Саипов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фахрийларга республика ИИБ Фахрийлар кенгашининг «O'zbekiston Respublikasi

IV faxriysi» кўкрак нишони ва Фахрий ёрлиқлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаларини топширди.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.
Муаллиф олган сурат.

Юрт тинчлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этган инсонлар ҳеч қачон халқ назаридан четда қолмайди. Уларни ҳамкасбларини шоғирдлари доимо йўқлаб туришади.

Бундай хайрли ишлар **Ғиждувон тумани ИИБ** раҳбарияти ҳамда фахрийлар кенгашининг доимий диққат марказида. Байрам муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда туман ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Неймат Жумаев фахрийлар ҳамда хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган осойишталик посбонларининг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш мақсадида хонадонларига ташриф буюриб, уларга совға-саломлар топширишди. Бетоб бўлиб қолган уч нафар фахрийга вилоят ИИБ тиббиёт бўлимидан соғлиқларини тиклаш мақсадида санаторийга йўлланма олишларига ёрдам кўрсатилди.

Фахрийлар кўрсатилган бундай меҳр-мурувват ва эътибор учун самимий миннатдорликларини билдиришди.

Эргаш ҲАФИЗОВ,
подполковник.
Бухоро вилояти.



Республика ИИБ Академиясида ҳам Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди. Ушбу тадбирга узоқ йиллар Академияда фаолият кўрсатган фахрийлар таклиф этилди. Улар орасида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийлари ҳам бор эди.

Фахрийлар бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурдилар. Бирга хизмат қилган даврларини эслаб, сўнгги йилларда таълим масканларидаги ўзгаришларни эътироф этишди. Эл ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари эса тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Шунингдек, бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди. Қатагон қурбонлари хотираси музейига бўлган ташриф ҳам тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Музаффар КОМИЛОВ,
подполковник.

Республика ИИБ ШТБХ-га бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ички ишлар идора-



лари фахрийлари – истеъфодаги майорлар Ҳайдарали Қўзибоев ва Мирзааҳмад Сулаймонов билан учрашув ўтказилди.

Фахрийлар суронли уруш йиллари хотиралари ва ундан кейинги даврлардаги фаолиятлари тўғрисида гапириб, ёш ходимларни қонунийликка риоя этишга, зиммаларидаги масъ-

улиятли вазифаларни виждонан бажаришга, она-Ватанига, ўз касбига садоқатли бўлишга чақирдилар. Марказ бошлиғи, полковник У. Фаниев фахрийларга самимий миннатдорлик билдирар экан, уларнинг ёш ходимларни тарбиялаш ишига қўшаётган беминнат хиссаларини фахр билан эътироф этди.

Бўрибой ОМОНОВ.

Республика ИИБ ШТБХ-га бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалик шаҳар марказида етук кадрларни тайёрлаш борасида ўзининг бой тажрибаларини аямаган, ёш ходимларни бурчга садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб, эндиликда кексалик гаштини сураётганлар кўпчилигини ташкил этади.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ана шундай фидойи инсонлар, узоқ йиллар ушбу таълим муассасасида турли лавозимларда хизмат қилган, истеъфодаги полковник А. Шодиев, истеъфодаги подполковниклар А. Акмалов, Ш. Тошматов ва Э. Бегматов таклиф этилди. Меҳмонларнинг бошланғич тайёрликдан ўтаётган ҳамда малака ошираётган тингловчи

ва курсантлар билан учрашуви барчада катта таассурот қолдирди. Уни марказ бошлиғи, полковник Ҳ. Дўстматов очиб, эришилган ютуқлар ва ёш ходимларни касбга садоқат руҳида тарбиялаш ишида соҳа фахрийларининг муносиб хизматлари борлигини алоҳида эътироф этди.

Тадбир куй-қўшиққа уланиб, ИИБ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда ичкакузди ҳангомалари билан юртга танилган қизиқчиларнинг чиқишлари барчага хуш кайфият бағишлади.

Ўз навбатида фахрийлар кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун ўз миннатдорликларини изҳор этишар экан, ёш ходимларни тарбиялаш, касбий маҳоратларини оширишларида яқиндан ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Аънаанага кўра, уларга тўн кийгизилиб, совға-саломлар улашилди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ФИДОЙИЛАР ОРАМИЗДА ЯШАМОҚДА

1997 йилнинг ёзида Савай каналдан ёш йигитнинг мурдаси топилди. Деҳқонлар бу ҳақда зудлик билан Хўжаобод тумани ИИБга хабар беришди. Воқеа жойига қисқа вақт ичида тергов-тезкор гуруҳи етиб келди. Шу ерда ҳозир бўлган туман ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Саидакбар Акрамов гуруҳ аъзоларига тегишли кўрсатмалар бериб турди. Мурдани кўздан кечирган тезкор ходимлар унинг бошига кўплаб жароҳат етказилганини кўришди. Бундан ташқари, мархумнинг бўйнида арқон изи қолганлигини ҳам аниқлашди.

Орадан муайян вақт ўтса ҳам яқинларидан бирортаси бедарак йўқолганлиги ҳақида туман аҳолисидан ариза тушмади. Шундан сўнг тезкор ходимлар жиноят қўшни мамлакат худудига содир этилган, деган хулосага келишди. Майор С. Акрамов масалага ойдинлик киритиш мақсадида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига хизмат сафарига борди. Шаҳар ИИБ тезкор ходимлари билан биргаликдаги саъй-

ҳаракатлари натижасида бир ҳафтала бурун 30 ёшли Сарвар Абдуллаев йўқолиб қолганлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Унинг хотинига мурда кўрсатилганида, ҳақиқатан ҳам эри эканлигини айтди.

Тезкор-қидирув ҳаракатлари чоғида фуқаро Жакбарали Баратов мархумдан катта миқдорда пул қарздор эканлиги маълум бўлди. Гумон қилинувчи қўлга олинган, айбини тан олишдан бошқа чораси

қолмади. У қарзидан қутулиш учун Сарварни алдаб Савай канали бўйига таклиф этади. Уни гапга чалғитиб, кутилмаганда бошига бир неча марта болға билан уради, бўйнига арқон боғлаб бўғади. Сўнг жасадни каналга ташлаб юборади. Қотил қонунга мувофиқ қилмишига яраша жазога тортилди.

Бу ҳикоямиз қаҳрамонининг хизмат фаолиятидан бир лавҳа, холос. Саидакбар серфарзанд оилада вояга етди. Унинг отаси Акрамжон ака Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, иккинчи гуруҳ қирғони эди. Шунга қарамай қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қиларди. Онаси Рузвонхон опа фарзанд тарбияси билан банд эди. Ахир, ўн уч болани оқ ювиб, оқ тараб катта қилишнинг ўзи бўлмаган.

Саидакбар спорт ин-тернатини битиргач,

ИИБ Тошкент ўрта мактабига ўқишга кирди. Таҳсилни тамомлагач, 1974 йилда ўзи туғилиб ўсган Хўжаобод тумани ИИБ жиноят қидирув бўлини маси тезкор вакили этиб тайинланди. Кейинроқ катта тезкор вакил, жиноят қидирув бўлини маси бошлиғи, туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. Ўнлаб оғир жиноятларни фош этишда, кўплаб хавфли жиноятчиларни қўлга олишда бевосита иштирок этди.

1999 йилда подполковник Саидакбар Акрамов саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли нафақага чиқди. Оғир жарроҳлик операциясини бошдан кечириб, бир қўлидан ажралди. Шунга қарамай кейин ҳам меҳнат фаолияти билан банд бўлиб, беш йил даво-

мида фермер хўжалигига раҳбарлик қилди. Ҳозирда эса неваралар тарбияси билан машғул.

Лавҳамиз қаҳрамони турмуш ўртоғи билан биргаликда саккиз фарзандни тарбиялаб, оёққа турғизиб, эл қаторига қўшишди. Ўғилларининг тўнғичи Мансуржон тадбиркор. Мамиржон қурилишда ишлайди. Қизларнинг иккитаси хусусий тадбиркор, яна иккитаси мактабда инглиз тилидан сабоқ беришади. Саидислом коллежда, Абдорбек эса еттинчи синфда ўқияпти.

– Мен номлари Андижон ички ишлар идоралари тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган инсонлар билан бирга хизмат қилиш бахтига, шарафига муяссар бўлганман. Ўз касбининг устаси бўлган бу инсонлардан тезкор-қидирув

соҳасининг сир-асрорларини ўрганиб, ҳақиқий изқувар бўлиб етишганман, – дейди С. Акрамов.

Саидакбар аканинг ўзи ҳам узоқ йиллик самарали фаолияти давомида қатор муносиб шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Подполковниклар Зокиржон Собиров, Убайдулло Холиқов ва Анваржон Қодиров шулар жумласидандир. Улар бугунги кунда устозларининг ишини давом эттиришмоқда.

Истеъфодаги подполковник Саидакбар Акрамов тез-тез Хўжаобод тумани ИИБга келиб туради. У ёш ходимларга ўзининг бой тажрибаларидан гапириб беради. Туман ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳаммиша унга ғамхўрлик кўрсатиб келяпти.

Борис КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.



ИБРАТ МАКТАБИ

Республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги генерал-майор Бахтиёр Сиддиқов, кенгаш аъзолари – истеъфодаги полковник Гайратжон Болтабоев ва истеъфодаги подполковник Икромжон Раҳимов Фарғона вилояти ИИБга ташриф буюриб, ички ишлар идоралари фахрийлари билан учрашишди.

Вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Араббой Усмонов меҳмонларни кенгаш фаолияти билан таништириб, фахрийларнинг юртимиз равнақиға, ёш ходимларни тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида гапириб ўтди. Чунончи, ҳозирги кунда вилоятнинг 88 та маҳалласида ички ишлар идоралари фахрийлари раислик қилаётгани, икки нафар фахрий эса «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар-туман бўлимларини бошқаришаётгани, бу ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда, жамоат тартиби ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашда ижобий самара бераётгани эътироф этилди.

Истеъфодаги генерал-майор Бахтиёр Сиддиқов

ташриф мақсади ҳақида гапирар экан, ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийлар доимо вазирлик раҳбариятининг эътиборида эканлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашувда ёш ходимларни Ватанга, касбига садоқат руҳида тарбиялашда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ фахрийларга ИИБ Фахрийлар кенгашининг Фахрий ёрлиғи, «O'zbekiston Respublikasi IV faxriysi» кўкрак нишони ва эсдалик совғалари топширилди.

Вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник М. Соттиев эътибор учун ИИБ раҳбарияти ҳамда Фахрийлар кенгашига миннатдорлик билдирди.

Бўрибой ОМОНЗОДА.
Фарғона вилояти.

МУНОСИБ ТАРЗДА НИШОНЛАНДИ

Хотира ва қадрлаш кuni умумхалқ байрами сифатида юртимизнинг ҳар бир гўшасида кенг нишонланиб, ўтганлар ёди хотирланди, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Республика ИИБ ШТБИХга бевосита буйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида ҳам ушбу қутлуг сана муносиб нишонланди.

Марказ раҳбарияти ва ходимлари фахрийлар, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олишди. Тошкент шаҳридаги Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ташриф буюриб, кексаларга байрам совғаларини топширишди. Шунингдек, анъанага мувофиқ полковник Комилхон Турсунов хотирасига бағишланган футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Тингловчи ва курсантлар ҳамда марказнинг доимий шахсий таркибидан тузилган жамоалар иштирокидаги турнир

ниҳоятда қизғин ва мурасиз ўтди. Якуний натижаларга кўра 4-курс курсантларининг «Ёшлик» жамоаси голибликни қўлга киритиб, мусобақанинг кўчма кубоғи ва медаллар билан тақдирланди. Шунингдек, курсант А. Мираҳмедов «Энг яхши ўйинчи», марказ ошхонаси бошлиғи, сержант Ҳ. Тожибоев «Энг яхши дарвозабон» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Саф майдонида ўтказилган тақдирлаш маросимида марказда кўп йиллар

фаолият кўрсатиб, истеъфога чиққан фахрийлар ҳамда мархум полковник Комилхон Турсуновнинг турмуш ўртоғи Н. Турсунова иштирок этди. Марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров сўзга чиқиб, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда кексаларни эъзозлаш, ўтганларнинг порлоқ хотирасини ёд этиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шундан сўнг марказ фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Тадбирга ИИБ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар янада кўтаринкилик бағишлади.

Иномжон РАХИМХҲАЕВ,
сержант.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ёшларнинг диний ва дунёвий билимларини ошириш, уларда Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Шунинг учун ҳам вилоят ИИБ томонидан таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент давлат аграр университетиде бўлиб ўтган «Ёшлар — келажак пойдевори» мавзусидаги тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди. Вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлини маси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда

одам савдосига қарши курашишда ички ишлар органларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлиги тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Республика ИИБ Академияси ҳамда вилоят Адлия бошқармасининг масъул ходимлари иштирокчиларга қонун бўйича мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, инсонни улуғлаш, унинг эркинлиги, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, одам савдосининг ҳар қандай турига қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан эканлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтиришди.

Ёшлар тадбир давомида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Гулшан ИНОҒОМОВА,
катта лейтенант.
Тошкент вилояти.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти учун барча шароитлар яратилган. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларига эришишда ички ишлар идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Жиззах вилояти Фаллаорол тумани ИИБ томонидан ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, туман ИИБ ҲООБ ВЕУН ва ҲПГ инспектори, капитан Мансур Маматкуловнинг вояга етмаганлар ўртасида олиб бораётган ишлари алоҳида эътиборга молик. У ўсмирлар билан боғлиқ ҳар бир ҳолатни ипидан игнасиғача ўрганиб, масаланинг ижобий ечимини топиш учун бор билим ва маҳоратини ишга соляпти. Бунда маҳалла фуқаролар йи-

ғини, таълим муассасалари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорлик қилинаётгани ўз самарасини бермоқда.

Капитан М. Маматкулов ўзига бириктирилган маҳаллаларда истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар таъсирига, гиёҳвандлик домига тушиб қолмаслиги учун мунтазам ра-

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНЯПТИ



вишда учрашувлар, дара суҳбатлари ташкил этиб келяпти.

– Вояга етмаганларнинг дарсларга ўз вақтида қатнашишини таъминлаш, уларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш мақсадида «Ўқувчи», «Давомат», «Тун» сингари профи-

лактик тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди капитан М. Маматкулов. – Бу йил ўтказилган ушбу тадбирларда таълим муассасаларида сабабсиз дарс қолдираётган 34 нафар ўқувчи аниқланди. Уларнинг ота-оналари чақирилиб, муҳокама қилинди. Шу билан

бирга, фарзандлари тарбиясига эътиборсиз бўлган ота-оналарга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди.

Туман ҳудудидаги компьютер заллари, кафе, чойхона ва бошқа кўнгилочар масканларда тез-тез текширувлар ўтказиляпти. Бу тунги вақтларда назоратсиз ва

мақсадсиз юрган ёшларни аниқлаш ҳамда бундай ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Масалан, Сарбозор қишлоғида жойлашган «Мингчинор» чойхонасида вояга етмаган А. Ойбек чойхона ишларига ёрдамлашиб юргани аниқланди. Мазкур ҳолат унинг ота-онаси, маҳалла раиси ва фаоллари иштирокида муҳокама қилинди. Чойхона раҳбарига нисбатан қонуний чора кўрилди.

Фурқат ГАЙБУЛЛАЕВ,
кичик сержант.
Жиззах вилояти.

Суратда: туман ИИБ ҲООБ ВЕУН ва ҲПГ инспектори, капитан Мансур Маматкулов ўсмирлар билан суҳбатлашмоқда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ
олган сурат.

МАСКАНЛАР ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЛАНМОҚДА

Бир замонлар уйларни, иншоотларни одатда итлар қўриқлаб келган бўлса, ҳозирги фан-техника ривожланган пайтда уларнинг ўрнини муқобил воситалар эгалламоқда. Хусусан, уйларга, муҳим иншоотлар, корхоналар, давлат муассасаларига ўрнатилган домофонлар, ҳар хил турдаги сигнализациялар, видеокамералар бу объектларнинг ишончли қўриқланишида муҳим омил бўляпти. Бундан ташқари, айрим тоифаланган объектларда қўриқлаш хизмати ходимларининг фаолият кўрсатаётгани туфайли кўплаб жиноятлар, ташмачилик ҳолатларининг олди олинмоқда. Шунинг учун бўлса керак, сўнгги пайтларда аксарият идоралар, уй соҳиблари ўз масканлари хавфсизлигини қўриқлаш хизмати ходимларига ишониб топширишмоқда.

Бу борада Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси томонидан ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқдаки, юридик ва жисмоний шахслар уларнинг хизматидан мамнун бўлишмоқда. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, айна пайтда бошқарма ва унинг қуйи тизимлари томонидан 791 та объект, фуқароларнинг 60 та хонадони ишончли қўриқлаб келинапти.

Вилоят ҳудудида содир этилган жиноятларни очишда қўриқлаш хизмати ходимлари фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда 47 нафар шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланди ва уларнинг 33 нафарига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун 1540 нафардан зиёд фуқарога тегишли чоралар кўрилди.

Қайд этиш лозимки, қўриқлаш хизмати ходимлари кўплаб жиноятларнинг фож этилишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, яқинда Денов шаҳрида содир этилган жиноятни аниқлаш ва жиноятчини қўлга олишда туман ИИБ

«Roison» савдо марказидан турли русумдаги музлаткич, телевизор ва электр печлар, жами 15 миллион сўмлик маҳсулотларни ўмариб кетишга ўтган экан. Ушбу жиноятни содир этишда гуноҳ қилинувчи сифатида қўлга олинган К. Нодир туман ИИБ навбатчилик қисмига топширилди.

Бундан ташқари, бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда ўтказилган «Қидирув» тадбири жараёнида жиноят содир этиб, жавобгарликдан қочиб юрган етти киши ушланиб, ички ишлар идораларига топширилди.



ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари жонбозлик кўрсатишди. Улар ярим тунда ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат олиб боришга ўтган пайтда номаълум шахсларнинг юк машинасига шошилганча қандайдир юкларни ортаётганининг гувоҳи бўлишди. Осойишталик посбонлари яқинлашаётганини кўриб, улардан бири қочиб қолди. Иккинчиси ҳам қочишга шайланганида ходимлар томонидан қўлга олинди. У К. Нодир бўлиб, шериги билан Денов шаҳрида жойлашган, фуқаро Адҳам Тангриқуловга тегишли

Вазирлар Маҳкамасининг қўриқлаш хизмати фаолиятини тартибга солишга оид қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган олий, ўрта махсус, касб-хунара ҳамда халқ таълими муассасалари, бозорлар, масжидлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, интернет-кафелар, кўп қаватли уйлар шартнома асосида бошқичма-бошқич қўриққа олинмоқда. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олишда вилоят ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқ-

лаш хизмати саф бўлинмалари хизматидан самарали фойдаланиляпти. Ҳозирги кунга қадар 10 та бозор, бозорлар ҳудудидаги 51 та дўкон, 6 та интернет-кафе ва бошқа масканларга кузатув камералари ўрнатилди. Шундан 6 та маскан шартнома асосида техник қўриқлаш пулти қўриғига олинди. Бундан ташқари, 38 та халқ хўжалиги иншооти ва 13 та хонадон шартнома асосида қўриқлашга қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, қўриққа олинган объектларда замонавий сигнализация воситаларининг ўрнатилгани, қўриқлаш хизмати ходимларининг жисмоний ва жанговар салоҳияти мунтазам ошириб борилаётгани, тезкор транспорт воситаларига эгаллиги туфайли ўғрилиқ ёки бошқа салбий ҳолатлар юз берган жойларга тезкор гуруҳлар ўз вақтида етиб бормоқда. Натижада ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этиляпти. Айна пайтгача ташмачилик билан шуғуллангани учун 111 нафар шахс ушланиб, улардан катта миқдордаги моддий-товар бойликлар қайтариб олинди.

Қўриқдаги ўта муҳим, тоифаланган иншоотлар ҳамда бошқа ҳаётий зарур объектлар жойлашган маъмурий ҳудудларда ғараз ниятли шахслар томонидан террорчилик, кўпорувчилик ва бошқа фавқулодда ҳодисалар содир этилишининг олдини олиш мақсадида тегишли хизматлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ходимларнинг жанговар тайёргарлиги ҳамда касб маҳоратини ошириш мақсадида қўриққа олинган мазкур ўта муҳим, тоифаланган объектларда махсус амалий-ўқув машғулотларини ўтказиш яхши самара бермоқда.

Ҳозирги замонни техникасиз, транспорт воситаларисиз

тасаввур қилиш мушкул. Айниқса, қўриқлаш хизмати ходимлари учун транспорт воситалари сув ва ҳаводек муҳим. Фараз қилинг, қўриқловга олинган уй ёки объектдан ташвиш сигнали хабари олинди. Воқеа жойига отланган тезкор гуруҳ йўлга чиқмоқчи бўлганида, транспорт воситаси тўсатдан ўт олмай қолди. Бундай ҳолатда, биринчи навбатда, ўғирлик бўлган жойга ўз вақтида етиб бориб бўлмайдиган, оқибатда қонунбузарлик содир этилади, иккинчидан, қўриқлаш хизматида бўлган ишонч йўқолади. Бу ҳақиқатни чуқур англаб етган бошқарма ва унинг қуйи бўғинларида транспорт воситаларининг ҳар қандай ҳолатга шай туришига, техникалар сонини кўпайтиришга катта эътибор берилляпти. Айна пайтда вилоят қўриқлаш бошқармаси ва унинг қуйи бўғинларида 65 та автоулов мавжуд бўлиб, уларнинг 12 тасидан техник қўриқлаш пунктида, қолганларидан эса хизматни ташкил этишда фойдаланилмоқда.

Ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлган ходимгина хизмат жараёнида юқори натижаларга эришади. Шунинг учун бошқарма томонидан кадрларни танлаш, уларни ўқитиш, хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, тартиб-интизом ва қонунийликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб, бу борада бир қанча ижобий ишлар амалга ошириляпти. Шахсий таркиб ўртасида кўрик-танловлар, спорт машғулотлари, амалий машғулотлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Буларнинг барчаси ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Фозил НИШОНОВ.
Сурхондарё вилояти.

Эркин ТУЛЯЕВ олган сурат.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

ХИЗМАТДАГИ ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Хизмат фаолиятини энди бошлаган ёш ходимни ҳар жиҳатдан етуқ, интеллектуал салоҳиятли, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш ишига сидқидилдан ёндашадиган қилиб тарбиялашнинг ўзи бўлмайди.

Наманган вилояти Чуст тумани ИИБда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, шахсий таркибнинг билимини ошириш, қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида маърифат ва сиёсий ўқиш машғулотлари юқори савияда ташкил этилиши билан бир қаторда ходимларнинг ота-оналари, фаришлар иштирокида йиғирмадан ортиқ тадбир-

лар ўтказилди. Бундан ташқари, турли кўриктанловлар ташкил қилиниб, голиблар рағбатлантириб борилмоқда. Қолаверса, музейлар, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилади маънавиятини юксалтириб, хизматда юқори натижаларга эришиш имконини берапти.

Бир мисол. Ўтган йили хизматга киришган олти нафар ходимнинг икки нафари дастлабки кунданок ўз вазифасига чуқур ёндаш-

маётгани, ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида камчиликларга йўл қўяётгани сезилиб қолганди. Тажрибали ходимлардан бириктирилган мураббийлар уларга тегишли йўл-йўриқлар кўрсатишди. Ҳозир шу ходимларнинг иккаласи ҳам бошқа ҳамкасбларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Улар ўтган қисқа даврда бир неча бор қонунбузарлар билан юзмаюз келиб, жиноятчиларни қуролсизлантириш ва қўлга олишда намуна кўрсатишди.

Гап кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳақида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Бугун ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юкланган. Улар нафақат жиноятларга қарши курашиб

тинчлик-осойишталикни таъминлайди, балки юксак маънавий хислатлари билан ҳам бошқаларга ибрат кўрсатиши лозим. Афсуски, бунинг акси бўлган ҳолатлар ахён-ахёнда бўлса-да, соҳада учраб тургани ачинарлидир, албатта. Икки ходим осойишталик посбонлари сафига кириш чоғида «Ватанимга сидқидилдан хизмат қиламан, қонунларимиз ижросини таъминлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшаман!» дея ваъда берган эди. Аммо хизматни бошлагач, ваъдаларини унутишди. Тажрибали ходимларнинг мураббий қилиб бириктирилгани, ота-оналари иштирокида олиб борилган суҳбатлар, огоҳлантиришлар ҳеч қандай натижа бермади. Шундан

сўнг улар вазифасидан озод этилди.

Чинакам осойишталик посбони ички ишлар идораси ходими, деган шарафли касбга доғ тушурмаслиги, аксинча, ҳамisha эл-юрт хизматига шай туриши, жиноятчиларга қарши мурасасиз курашиши лозим. Шахсий таркибни ана шу руҳда тарбиялаш мақсадида туман ИИБ раҳбарияти томонидан истиқболли режалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, вазирлигимизнинг бу борадаги йўриқномалари ва меъёрий ҳужжатларнинг дастуруламал бўлаётгани мақсадга эришиш имконини бермоқда. Ходимлар вақти-вақти билан аттестациядан ўтказилиб, яхши натижага эришаётганларнинг ота-оналари, яшаётган маҳалла раисла-

ри номига миннатдорлик хатлари юборилаяпти. Энг муҳими, барча соҳавий хизматлар вакилларига самарали хизмат қилишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, улар компьютер жамланмалари, хизмат жараёнида фойдаланишга мўлжалланган замонавий техника воситалари билан таъминланган. Буларнинг барчаси юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳам раҳбариятнинг доимий эътиборида.

Файзрахмон АКРАМОВ,
подполковник.

Абдусами ҲАКБЕРДИЕВ,
журналист.
Наманган вилояти.

УЧ ОҒА-ИНИНИНГ БИРИ

Андижон вилояти Булоқбоши туманининг Ширмонбулоқ қишлоғилик Қаюмовлар хонадонидан бир йўла уч оға-ини ички ишлар идораларида хизмат қилади. Уларнинг тўнғичи Нодирбек Хўжаобод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор. Кенжаси Лочинбек вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасида бўлинма командири, сержант.



Бугун эса биз сизга оға-иниларнинг ўртанчаси Ботиржон Қаюмов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У тизимдаги фаолиятини 2005 йилда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизматида йўриқчи-кинологикдан бошлаган эди. 2009 йилда кичик сержант Б. Қаюмовни Булоқбоши тумани ИИБ кичик инспектор-кинолог этиб тайинлашди.

Энди унинг хизмат фаолиятидан биргина мисол келтирсак. Булоқбоши тумани ИИБга Майариқ маҳалласида яшовчи Файзулло

Аҳмедов мурожаат этди. У хонадонидан ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб номаълум шахс уйига кириб, кўп миқдорда пули ва заргарлик буюмларини ўғирлаб кетганини маълум қилди.

Дарҳол воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳи етиб борди. Гуруҳ таркибида кичик инспектор-кинолог, кичик сержант Ботиржон Қаюмов ҳам бор эди. У ўзига бириктирилган «Рокки» лақабли хизмат итига кўрсатма бериши билан жонивор ис олиб, ходимларни жабрдийданинг собиқ синфдо-

ши яшайдиган хонадонга бошлаб келди. М. Абдулазиз ходимларга кўзи тушиб, яширинишга уринди. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Гумон қилинувчининг хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, ўғирланган тақинчоқлар ва катта миқдорда пул топилди. Тергов пайтида Абдулазиз Файзуллонинг уйида тез-тез бўлишини, унинг жамгармаларини қаерда сақлашини яхши билганини тан олди. Пул зарур бўлганида дўстининг уйига кириб, ўғирлик содир этганига иқрор бўлди. Кичик сержант Б. Қаюмовнинг фаолиятдан бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

– Менга иккита хизмат ити бириктирилган, – дейди Б. Қаюмов. – «Рокки» из-қидирувга «ихтисослашган», «Граф» эса гиёҳвандлик воситаларини излаб топишга ўргатилган. Ҳар қайсининг ўзига яраша феъл-атвори бор. Спорт мусобақалари ва оммавий-маданий тадбирлар чоғида тўрт оёқли кўмакчиларим билан бирга жамоат тартибини сақлаш тадбирларида қатнашман.

К. БОРИСОВ,
Андижон вилояти.

Суратда: кичик сержант Ботиржон Қаюмов «Рокки» лақабли хизмат ити билан.

Муаллиф олган сурат.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари


ПИЧОҚ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛИБ...



Номаълум шахс Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Б. Зарифанинги йўлини тўсди. Сўнг унга пичоқ билан таҳдид қилиб, қулоғидаги зирани ечиб беришни талаб этди. Бироқ жабрланувчи бақириб ён-атрофдагиларни ёрдамга чақирғач, воқеа жойидан қочиб қолди. Жабрланувчининг хабари асосида зудлик билан чора-тадбирларни кўрган ички ишлар идоралари ходимлари жиноятни «иссиқ изида» фош этишга муваффақ бўлишди. Мазкур талончиликни андижонлик А. Шаҳобиддин содир этган экан.

Ҳозирда ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

АНИҚЛАНИБ, ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Пойтахтнинг Олмазор туманида яшовчи фуқаро С. Саиднуриддин Учтепа тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилди. У ўз аризасида кимдир уйининг дераза панжараларини бузиб кириб, 14 турдаги заргарлик буюмла-

ри ва 4 минг 700 АҚШ долларини ўғирлаб кетганини билдирди. Олиб борилган тезкор суриштирув-қидирув тадбирлари натижасида ушбу жиноятни олмасорлик М. Уктам содир этганлиги аниқланди ва қўлга олинди.

ИЧКИЛИК ДАСТИДАН



Наманган вилояти Чуст туманида яшовчи М. Нажмиддин маст ҳолда уйига келаётиб, маҳалладоши М. Собир билан тортишиб қолди. Уни муроасага чақирган маҳалладошини ҳақоратлабгина қолмай, юзига кетма-кет мушт ҳам туширди. Жанжалга ички ишлар идоралари ходимлари чек қўйишди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди.

Энди М. Нажмиддин қилмишига яраша жазо олиши аниқ.

ҚОРОНҒИДА ПАЙДО БЎЛГАН ЮЛҒИЧ

Бухоро шаҳрилик М. Гулнора ўзи яшайдиган уйнинг йўлагига энди кираётганида кутилмаганда рўпарасида номаълум шахс пайдо бўлиб, унинг бўйнидаги тилла занжирини юлиб қочди. Аёл мазкур ҳолат юзасидан тезда ички ишлар идораларига хабар бергач, тегишли чоралар кўрилди. Тез орада бу талончиликни илгари ҳам шундай жинояти учун судланган Бухоро шаҳрилик О. Маҳмуд содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Юксак мукофот соҳиблари

Фарзандининг давлат мукофоти билан тақдирланганини эшитган Саодатхон аянинг кўзида севинч ёшлари қалқиди. Бағрига босиб табриклар экан, ўғлини узундан-узоқ дуо қилди:

– Бошим кўкка етди, раҳмат, болам.

Илойим, ҳеч қачон эл-юрт хизматидан толмагин. Сўнг беихтиёр қалбидаги ўкинчини ошкор қилди. – Қани энди, отанг раҳматли ёнимизда бўлса-ю, сенинг камолингдан бирга қувонсак...

Кичик сержант Аҳмадали Турғунов Қўштепа туманининг Халқобод қишлоғида деҳқон оиласида ўсиб-улғайди. Болалигиданоқ китобга меҳр қўйди. Тиришқоқлиги, интилувчанлиги, спортга ҳавасмандлиги билан тенгқурларидан ажралиб турди. Вояга етгач, она юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли касбда хизмат қилишни ният қилди.

Ҳарбий хизматдан қайтиб келганидан сўнг, 2000 йили орзусини рўёбга чиқаришга қатъий бел боғлади. Танловдан муваффақиятли ўтиб, жанговар ҳаракатдаги отрядга хизматга қабул қилинди.

Зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнидаги қатъиятлиги, тезкор, самарали ҳаракатлари билан тез орада раҳбариятнинг эъти-

борига тушди ва гуруҳ командирининг ёрдамчиси лавозимига тайинланди.

2007 йилда Қарши шаҳридаги Сержантлар таркибини тайёрлаш мактабида малака ошириб қайтди. Шундан кейин вилоят ИИБ раҳбарияти унинг билим ва тажрибаси, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини инobatга олган ҳолда, Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядига ўқчи лавозимига тайинлади. 2011 йилда у мазкур отряд гуруҳ командирининг ўринбосари сифатида иш бошлади.

Кўп йиллик фаолияти давомида бой амалий тажриба тўплаган кичик сержант Аҳмадали Турғунов айни пайтда вилоят ҳудудида содир этилган оғир жиноятларни фoш этишда ҳамкасбларига ибрат

ШИЖОАТГА УНДОВЧИ РАҒБАТ

бўлаётир. 2012–2014 йиллар давомида уч нафар қидирувдаги ўта хавфли рецидивисти, гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчи олти нафар жиноятчи ва бир нафар ноқонуний қурол сақловчи жиноятчини ушлаб, тергов идораларига топширишда юксак даражадаги касб маҳоратини кўрсатди.

Масалан, марғилонлик А. Халилов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этиб, тергов ва суд идораларидан яшириниб юрганди. Ушбу хавфли жиноятчини аниқлаб, қўлга олиш бўйича ўтказилган тадбирга жалб қилинган кичик сержант Аҳмадали Турғунов юқори даражадаги жисмоний ва жанговар тайёргарлигини намойиш этди. Жиноятчи ушланиб, унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Лавҳамиз қаҳрамони қўл остидаги ходимларни Ватан-



га муҳаббат, мардлик, фидойилик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда юксак ахлоқий-руҳий ва жанговар фазилатларни мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг натижаси ўларок, жисмоний, жанговар, махсус-тактик ҳамда ўқ отиш маш-

ғулотларида гуруҳ шахсий таркиби юқори натижаларга эришяпти.

– Аҳмадали сафдошларига ҳар томонлама ўрнатқ бўла оладиган ходим, – дейди вилоят ИИБ АВБСО командирининг ўринбосари, майор Хошимжон Алижонов. – Унинг касбига бўлган садоқати, ватанпарварлигини ҳаммиша қадрлаймиз.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Президентимиз Фармониغا асосан кичик сержант Аҳмадали Турғунов «Мардлик» ордени билан тақдирланди. Бу хушxabар, айниқ-

са, унинг оиласига чексиз қувонч олиб кирди.

– Бу хабарни эшитгач, уйимизда байрам байрамга уланиб кетди. Ҳаммадан ҳам фарзандларининг қувончини айтмай-сизми, хонадонимизга қутлаш учун келганларга дадажонининг ордени олганини айттавериб чарчашмади, – дейди қаҳрамонимизнинг онаси Саодатхон Турғунова фахрланиб. – Ўғлимнинг хизматлари Юртбошимиз томонидан қадрланиб, мукофотланганини кўриш биз учун катта бахт. Ватан қорига ярайдиган шундай ўғилнинг онаси эканлигимдан гурурланаман.

Кичик сержант Аҳмадали Турғуновнинг давлат мукофоти билан тақдирланиши нафақат унинг оила аъзоларини, балки вилоят ички ишлар идоралари шахсий таркибини, у хизмат қилаётган жамоа аъзоларини ҳам бирдек қувонтириб юборди. Унинг ўзи эса бу юксак мукофотни келгусида янада шижоат билан хизмат қилишга ундовчи рағбат деб билади.

Бўрибой ОМОНЗОДА.
Фаргона вилояти.

Ислохотлар – амалда

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР – ЭЪТИБОРДА

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, турли ёт гоълар таъсиридан асраш ҳамда улар ўртасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Айни шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда республикадаги мавжуд коллежларда 72 минг 200 га яқин ўқувчи таълим олмақда. Шулардан 24 минг 91 нафари битирувчилардир. Уларнинг бандлигини таъминлаш учун 6124 корхона ва ташкилот ўртасида уч томонлама шартномалар тузилган. Яратиладиган янги иш ўринларига биринчи навбатда коллеж битирувчиларини жойлаштириш назарда тутилган. Бундан ташқари, прокуратура, ички ишлар идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, турли корхоналар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ташкил этиляпти. Қолаверса, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига 79 нафар ВЕЎН ва ХПГ инспектори бириктирилганки, бу назоратсизлик ва қаровсизликнинг олдини олиш, тарбияси оғир, жиноят қилишга мойил ўсмирларни аниқлашда муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, таълим муассасаларининг ички тартибини бузган, машғулотларни мунтазам қолдирган 67 нафар, ҳуқуқбузарлик содир қилган 23 нафар ва жиноятга

қўл урган 10 нафар вояга етмаганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, профилактик ҳисобга олинди. Дарс пайтида ёки тунги вақтларда кўнгил очар масканларда бўлган, бозорларда ёлланма меҳнат билан шуғулланган ўсмирларни ҳамда фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаш юзасидан ўтказилган «Ўсмир», «Ўқувчи», «Давомат» сингари профилактик тадбирлар натижасида Амударё, Кўнғирот, Тўрткўл ва Хўжайли туманларида етти та ҳолат аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига тақдим этилди. Жумладан, бувисининг тарбиясида қолган кўнғиротлик ўн уч ёшли Алмаснинг кўча-кўйда бемақсад санкиб юришига чек қўйилиб, мактабга қатнаши назоратга олинди.

Шаҳар-туман ИИБлари ВЕЎН ва ХПГ хизмат хоналарига адашган, қаровсиз қолган, ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганлар келтирилиб, суҳбатдан ўтказилди. Ўз уйдан узоқ муддатга четга чиқиб кетган 98 нафар коллеж ўқувчиси ўқишга қай-

тарилди. Ўқувчиларнинг давоматини яхшилаш мақсадида ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан шу кунгача 33 та коллежда ота-оналар мажлислари ўтказилди. Ошқора ва самимий мулоқот давомида ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди, барчани бирдек ўйлантираётган муаммолар ўртага ташланиб, атрофича таҳлил қилинди.

– Ҳудудий ИИБлар ВЕЎН ва ХПГ инспекторлари, профилактика инспекторлари ўртасида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, унинг асосида милиция таянч пунктларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишга қаратилган сайёр ўқув машғулотлари белгиланган режа асосида ўтказиб бориляпти, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҲООб бошлиғи, подполковник Кенгесбай Нурабуллаев. – Ушбу ўқув машғулотлари ходимларнинг билим ва кўникмаларини янада бойитиб, хизмат самардорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаётир. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда қарийб 15 фоизга камайгани қувонарлидир.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Ғамхўрлик

САХОВАТДАН КўНГИЛЛАР ШОД



Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан Андижон вилояти ИИБ тергов ҳибсхонаси ходимлари Саховат уйда хайрия тадбири ўтказишди. Тадбирда ушбу муассасада яшайдиган қарияларга телевизор, электр чойнақлар, дазмоллар, термослар, маиший техника воситалари тўхфа қилинди.

– Муассасамизда кексаларнинг бекаму кўст яшаши, даволаниши, вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тез-тез концерт дастурлари намойиш этилиб турилади. Улар ўзларини ёлғиз ҳис этмасликлари учун қўлимиздан келган барча чораларни кўраяпмиз. Киши кексайганидан кейин унга кўп нарса-нинг кераги бўлмайди. Бир оғизгина ширин сўз ҳам унинг кўнглини тоғдек кўтарди.

– Яқинда бир хушxabардан воқиф бўлдик. «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида муассасамиз капитал таъмирланиши, янги ётоқхона қурилиши режа-

лаштириляётган экан, – деди саховат уйи раҳбари Дурдона Алимова.

Ички ишлар идораси ходимларининг Саховат уйига ташрифидан барча қариялар хурсанд бўлишди.

– Осойишталик посбонларига бизни эслаганликлари, совға-саломлари учун катта раҳмат, – деди 90 ёшли онахон Татьяна Потёмкина.

Бошқалар ҳам кексаларга давлатимиз томонидан ҳар тарафлама ғамхўрлик кўрсатиляётгани учун Юртбошимиз ва ҳукуматимизга миннатдорлик билдирдилар.

Б. КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.
Муаллиф олган сурат.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур қонун фуқароларнинг мамлакатимиз Конституциясининг 30-моддасида белгиланган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга. Зеро, унда Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги соҳасида очиқликни таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятдан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа эканлиги алоҳида эътибор қаратди. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган. Айни пайтда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси, жумладан, 4 та ахборот агентлиги, 700 га яқин газета, 300 га яқин журнал, 100 га яқин телерадиоканал, 300 дан ортиқ веб-сайт фаолият юритмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Уяли алоқа тизимидан фойдаланувчилар сони эса қарийб 20 миллион кишини ташкил этади.

Дарҳақиқат, 2014 йилда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Чунки ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишга оид ҳуқуқлари кафолатлари кенгайтирилди. Қонуннинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулияти оширилди ҳамда улар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартиби белгиланди.

Мазкур қонунни ишлаб чиқишда ривожланган демокра-

тик давлатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари батафсил ўрганилиб, улар миллий қонунчилигимиз билан қиёсий-таққослама таҳлил этилди. Айниқса, бу борада Буюк Британиянинг «Ахборот эркинлиги тўғрисида»ги, АҚШнинг «Ҳукуматнинг очиқлиги тўғрисида»ги, Франциянинг «Фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатлари тўғрисида»ги, Жанубий Кореянинг «Давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотни очиш тўғрисида»ги, Россиянинг «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ОАВда ёритилиши тўғрисида»ги, Эстониянинг «Давлат ахбороти тўғрисида»ги қонунлари чуқур ўрганилди.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги деганда давлат органининг фаолияти, таркиби, тузилмаси тўғрисидаги ва бошқа исталган очиқ (давлат сири ёки бошқа муҳофаза қилинадиган сирлар тоифасига кирмайдиган) ахборотларга эркин эга бўлиш ҳуқуқи тушунилади. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш ва бу борада турли сансоларликлар юзага келишининг олдини олиш мақсадига қонунда фойдаланувчилар томонидан сўров юбориш ҳамда унга жавоб беришнинг батафсил тартиби ва муддатлари, бундан ташқари, сўров бўйича ахборот тақдим этилишини рад этиш асослари аниқ белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга нисбатан таъбиқ этилади.

Мазкур қонун қуйидаги ижтимоий муносабатларга, ахборот турларига татбиқ этилмайди:

жисмоний шахсларнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш тартибига;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан аризалар, таклифлар ҳамда

шикоятларни кўриб чиқиш тартибига;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатларини амалга ошириши муносабати билан улар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибига;

тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турларига.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамма-нинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

улар фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини таъминлашдан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш.

Қонуннинг аҳамиятга молик жиҳатлардан яна бири унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг мақоми аниқ белгилаб қўйилди. Қонуннинг 10-моддасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ушбу органларнинг ахборот хизматидир.

Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур қонунда ахборотдан фойдаланувчиларнинг

сўровларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланди. Хусусан, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқиши, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Умуман олганда, мазкур қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис қонун оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, журналистлар томонидан ахборотлар олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмининг такомиллаштиришга, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ҳолис, тезкор ва янада тўлиқ хабардор қилишга, давлат органлари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалари фаолиятининг фаоллашишига, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади.

Қонуннинг ижтимоий аҳамияти ундаги барча нормалар аҳолининг ижтимоий ҳимояга ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларига хизмат қилиши, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қарор топишини таъминлашида яққол намоён бўлади. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда тарқатишнинг кафолатлари яратилганлиги жамиятда кечаётган демократик жараёнлар, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлардан фуқароларнинг тўлиқ хабардорлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида яратилаётган шарт-шароитлардан аҳоли самарали фойдаланиши учун имконият беради.

Мазкур қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари аниқ ва равшан белгилаб берилган. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ёки чоп этиш, ушбу ахборотни уларнинг расмий веб-сайтида, ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш, шунингдек, ахборот-кутубхона ва архив фондлари

орқали ахборот тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг мазкур органларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш кабилар кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, қонуннинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига татбиқ этилиши давлат органлари олдида бир қатор вазифаларни қўяди.

Биринчидан, мазкур қонуннинг фуқаролик жамияти ривожига аҳамиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада турли ўқувлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, маҳаллаларда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича услубий қўлланмалар, мазкур қонун яратаётган ҳуқуқий имкониятлар бўйича кўргазмалар воситалар тайёрлаб, кенг жамоатчиликка етказиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ушбу органлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларининг белгилаши давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг яна бир кафолатидир. Қонунда қайд этилишича, раҳбарлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтида ахборотларнинг ўз вақтида берилиши, уларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Умуман, қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича барча зарурий масалалар қамраб олинган. Унинг ижроси самарали бўлиши нафақат мутасадди идораларга, балки барча аҳоли фаоллигига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Учинчидан, қонун нормаларини амалиётда тўғри ва аниқ татбиқ этилишини таъминлаш мақсадига унга шарҳлар тайёрлаш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг самарали тизимини яратиш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати олиб бориш каби мақсадлар кўзда тутилгани билан аҳамиятлидир.

Насриддин ИСМОИЛОВ,
юридик фанлар номзоди,
доцент.

Долзарб мавзу

МАКТАБ, ЎҚУВЧИ ВА ...УЯЛИ ТЕЛЕФОН

Биз тинч, осуда юрда яшаймиз. Эрталаб фарзандларимизни боғчага, мактабга кузатиб, хотиржам ишга отланамиз. Кечқурун кўнгул тинч, тўкин дастурхон атрофида жамулжаммиз. Кеча-кундуз осойишталик ҳукм сураётган, қайсидир халқлар, давлатлар ҳавас қиладиган Ўзбекистон аталмиш муқаддас заминда яшаётганимиздан, шу юрт фарзанди эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ бугунги кун талаби шуки, эртанги кунимиз ҳам шундай дориламон, осойишта бўлиши, фарзандларимиз эмин-эркин ўсиб улғайиши, камол топиши учун бугундан ҳаракат қилишимиз, тинчликнинг қадрига етиб, уни кўз қорачигидек асрашимиз, бир зум бўлса-да, огоҳликни, ҳушёрликни унутмаслигимиз зарур.

Бугунги глобаллашув даврида турли хил хатарлар, балою офатлар инсоният келажагига хавф солмоқда. Диний экстремизм, терроризм, дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган хунрезликлар – буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамиятининг ҳавотирига сабаб бўлаётди. Айниқса, сўнги пайтларда кўпқўрғунчилик, террорчилик ҳаракатларининг таълим муассасаларида, хусусан, мактабларда амалга оширилаётгани ачинарлидир. Янаям ачинарлиси, турли оқим, йўналишларга мансуб террорчи гуруҳлар болаларни гаровга олиш, ҳатто улардан камикадэе сифатида фойдаланишнинг ҳам урдасидан чиқмоқда.

Сўнги ўн-ўн беш йил ичида турли хорижий мамлакатлардаги мактабларда содир этилган хунрезликлар фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, 2004 йилнинг 1 сентябрида Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги 1-мактабда амалга оширилган террорчилик ҳаракатини жаҳон афкор оммаси ҳали-бери унутгани йўқ. Ушунда бир гуруҳ жангарилар мактаб биносини эгаллаб олиб, 1128 кишини гаровга олган эди. Орадан уч кун ўтиб бу ерда кучли портлаш юз берган, оқибатда 300 нафардан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмганди. Аянчлиси, уларнинг 186 нафари бегуноҳ болалар эди.

Ўтган йили Покистоннинг Пешавар шаҳридаги мактаблардан бирида содир этилган террорчилик ҳаракатини ҳам жамоатчилик ҳали-ҳануз чуқур қайғу билан тилга олади. Ўша мудҳиш кунда жангарилар мактаб биносини ичида 500 нафардан ортиқ кишини (уларнинг аксарияти 12 дан 16 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари эди) гаровга олди. Жангариларнинг ҳаммаси йўқ қилинган бўлса-да, лекин улар ўзларининг қора ишларини қилиб улгуришди. 128 киши теракт қурбони бўлди, 122 нафардан ортиқ киши эса турли даражада тан жароҳати олди. Ана шундай кўпқўрғунчилик ҳаракати Нигериянинг Потискум шаҳридаги таълим муассасасида рўй берди: камикадэе эрталаб ўқувчилар йиғиладиган жойда ўзини портлатиб юбориши натижада 47 киши дунёдан бевақт кўз юмди, 50 яқин киши жароҳатланди.

Сўнги пайтларда айрим ғарб давлатларида мактаб ўқувчиларнинг ўқотар қуроллар билан синфдошларига, ўқитувчилари, ота-оналарига таҳдид қилиши, отиб ташлаш ҳолатлари кўп учрамоқда. Ана шундай қайғули воқеалардан бири 1999 йил АКШнинг Колорадо штатидаги Колумбайн мактабига рўй берди. Мактабнинг қуролланган икки ўқувчиси 13 нафар синфдошини отиб ташлаб, кейин ўз жонларига қасд қилишди.



Таассуфки, бундай хунрезликлар дунёнинг турли нуқталарида ҳали-ҳамон бўй кўрсатиб турибди. Жангарилар, эл-юрт тинчлигини кўра олмайдиган нияти бузуқ кимсалар болаларни гаровга олишди, улардан тирик қалқон сифатида фойдаланишди, нобуд қилишни давом эттиришди. Бундай ҳолатларга чек қўйиш, таълим муассасаларини ўқувчилар хотиржам билим оладиган тинч-осойишта маконга айлантириш мақсадида кўплаб давлатлар томонидан муайян чоралар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, таълим муассасаларида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Биргина пойтахтимизда олиб борилаётган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, шу кунгача ҳар хил йўналишдаги 333 умумтаълим мактаби, 78 та касб-ҳунар коллежи ва 42 та академик лицей Тошкент шаҳар ИИББ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси кўриғига олинган. Ушбу таълим муассасаларининг барчасига замонавий кўриқлаш жиҳозлари ўрнатилган. Бирор қор-ҳол, фавқулодда ҳолат юз берса, зудлик билан техник кўриқлаш пултига хабар етиб келади ва махсус гуруҳ ўша мактабга қисқа фурсатда етиб боради. Кўриқлаш мосламаларининг меъёрида ишлаши учун улар доимий текширувдан ўтказиб турилади. Ҳозирда таълим муассасаларида доимий навбатчиликда турадиган кўриқлаш хизмати ходимларини жойлаштириш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Бундан кўзланган мақсад Ватанимиз келажаги бўлган фарзандларимиз, ўқувчи-ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хотиржам билим олишига эришишдир.

Таъкидлаш лозимки, таълим даргоҳлари хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда кенг қамровли масала бўлиб, у ўқувчи-ёшларни турли ёт оқимлар, бузғунчи ғоялар таъсирини тушиб қолишдан асраш, улар орасида беҳаёликни, зўравонликни тарғиб қиладиган аудио ва

видео махсулотлар тарқалишининг олдини олиш каби бугунги куннинг энг долзарб вазифаларини қамраб олади. Бинобарин, юқорида тилга олиб ўтилган мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар замирида айнан ана шу омиллар ётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Мутахассисларнинг ўрганишлари, кузатишлар эса бу салбий омилларнинг тарқалишида интернет асосий ўринда туришини кўрсатади.

Бугунги фан-техника ривожланган замонда "ўргимчак тўри"-га киришдан осони йўқ. Уяли те-

талаблари бузилган тақдирда ўқувчини огоҳлантириш, уларнинг кундалик дафтарига ёзиб қўйиш, ота-оналарини хабардор қилиш ёки тушунтириш суҳбати ўтказиш учун таълим муассасасига чақириш чоралари қўлланиши белги-ланган. Мазкур қарорга қўшимча равишда жорий йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Шу кунгача матбуотда, телевидениеда уяли телефоннинг салбий жиҳатлари ҳақида кўп чиқишлар қилинди. Яқинда мавзуга доир яна бир хабар тарқатилди. Унда 200 нафар олим БМТга шикоят хати ёзгани, ташкилотдан уяли телефон ва планшетлардан безарар фойдаланиш стандартларини қабул қилиш ҳамда уни эълон қилишни сўрагани айтилади. Уларнинг фикрича, уяли телефондан тарқалаётган электр магнитли нурларни организмдаги тирик ҳужайраларни ўлдирди ва бу бевақт ўлимга олиб келади.

Кўрииб турибдики, танганинг икки томони бўлгани каби мобил телефонлар бугун биз учун кўплаб қулайликлар яратиши баробарида, ўзининг қатор салбий жиҳатларини ҳам намоён этмоқда. Хўш, биз фарзандларимизни уяли алоқа воситалари, шунингдек, интернетнинг салбий таъсирдан асраш учун нима қилишимиз лозим? Умуман, мактаб ўқувчилари уяли телефондан фойдаланиши шартми? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида жамоатчилик фикрини билишга қизиқдик.

Феруза ТОЛИПОВА, Юнус-обод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими шўъба раҳбари:

– Шундай ота-оналар борки, фарзандининг ҳар бир хоҳишини бир зумда бажаришади, айтган нарсасини муҳайё қилишади. Яқинда шундай бир ҳолат кузатилди. Бир синфда ўқитувчи ўқувчиларнинг сумкасини текшираётганда битта болада сенсорли телефон чиқиб қолади. Уни кўздан кечирганда телефон хотирасида беҳаёликни тарғиб қилувчи порнографик маълумотлар борлиги маълум бўлади. Ҳолат юзасидан ўқувчининг отаси мактабга чақирилганида: "Мен ҳар доим ўғлимнинг телефони текшириб турман. Бу маълумотларни ўзларинг жойлаштириб қўйгансизлар", деб ўқитувчига тухмат қилишгача бориб етди. Шундан буён ўқувчиларнинг сумкаларини дарс бошлангандан олдин ўқитувчи эмас, жамоатчилик кенгаши вакиллари кўздан кечиришмоқда. Менга қолса, ўқувчилар умуман телефондан фойдаланишмасам дейман.

Шаҳноза ИСЛОМБЕКОВА:

– Қизим 9-синфда ўқийди. Телефони бор, лекин мактабда умуман ишлатмайди. Телефонингни олиб кет, десам, "Ойи мактабда керак бўлмайди, барибир ишлата олмаймиз", деб уйга ташлаб ке-

тади. Мактаб ўқувчиларининг уяли телефон орқали турли ижтимоий тармоқларга кириб вақтини бесамар ишларга сарфлагандан кўра, таълим олгани маъқул, деб ўйлайман.

Гулнора ЭРГАШЕВА, Тошкент шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби директори:

– Мактабимизда ўқувчиларнинг уяли телефондан фойдаланиши қатъий тартибга солинган. Агар мактабда бирорта ўқувчи уяли телефондан фойдаланса, у огоҳлантирилади, ота-онаси чақирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилади.

Эътиборлиси, ўқувчиларнинг мактабда уяли телефондан фойдаланишини чеклаш борасида ота-оналар билан маслаҳатлашганимизда улар бизни қўллаб-қувватлашди. Шунинг учун ҳам таълим муассасамизда ота-оналар фарзандларини назорат қилиб туриш мақсадида ўқувчиларга оддий телефондан, шунда ҳам дарс тугагандан кейин фойдаланиши мумкин.

Муаззамхон ИБРАГИМОВА, психолог:

– Ҳозир кўпчилик ёшларда уяли телефон синдроми пайдо бўлган. Кимлардир бу синдром ҳозир бошланяпти, деб ўйлаши мумкин. Аслида унинг пайдо бўлишига бола она қорнидалигидаёқ тамал тоши қўйилган бўлади. Кўплаб ҳомилдор аёлларнинг кўчада, дўконларда телефони кулоғига "ёпиштириб", соатлаб гаплашиб юрганини кўп кўраимиз. Энг ёмони, уяли телефондан тарқалаётган электромагнит нурлар боланинг ривожланишига салбий таъсир қилиб, уни синдром сари тайёрлаб боради.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозир тугилаётган чақалоқларнинг 54 фоизи асабий, руҳан чарчоқ ҳолда дунёга келмоқда. Эндиликда болалар алоқа воситасига шу қадар боғланиб қолмоқдаки, ҳақиқий ҳаётни унутиб қўйишяпти. Мен бу телефонларни "кичик қути ичидаги жин" деб баҳолаган бўлардим. Негаки, ҳамма қулайликларга эга уяли телефон орқали бола хоҳлаган нарсасини излаб топиши мумкин. Хоҳласа ўйин ўйнаб вақтини ўтказсади, хоҳласа ижтимоий тармоқларга кириб кўнгул ёзади. Бунинг олдини олиш лозим. Биринчи ўринда ота-оналар ўртасида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Болаларда, ҳатто катталарда ҳам уяли телефондан, интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур.

Хулоса шуки, агар уйимизда кўнгулни беҳузур қиладиган бадбўй ҳид пайдо бўлса, нафас олишдан тўхтаб қолмаймиз. Аксинча, ўша ҳид келаётган жойни аниқлашга, уни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Шу маънода, ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган замонавий алоқа воситаларини ҳам, интернетни ҳам салбий томонлари бор, деган иддао билан рад этолмаймиз. Фақат улардан фойдаланаётган фарзандларимизни назоратсиз қолдирмаслик, ўғил-қизларимизда юмсақ маънавиятни, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Шундагина фарзандларимизга ҳеч қандай хавф таҳдид қилолмайди.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,
подполковник.
Фозил МАМАШАРИПОВ,
журналист.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

ЭЪЗОЗ-ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ ЗОТ

Қадим замонлардаёқ жамиятда аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқлиги масаласи қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Бу борадаги илк фикрлар юнон файласуфи Антифонт асарларида баён қилинган. У аёлни ҳам, эркакни ҳам табиат тенг қилиб яратади, бироқ уларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни инсонларнинг ўзи юзага келтиради деб ҳисоблаган.

«Илоҳ барчани эркин яратган, табиат эса ҳеч кимни қул қилиб яратмаган», деб ёзган эди яна бир доғнишманд Алкидам. Кўриниб турибдики, аёл ва эркак тенглиги муаммо сифатида илгор фикрли кишилар хаёлини ҳаммиша банд қилиб келган. Хусусан, яна бир юнон файласуфи Пифагор аёл ва эркакнинг тенг қилиб яратилгани ҳақидаги фикрларни илгари суради. Бундай ғояни Сукрот таълимотида ҳам учратамиз. Сукрот шахс эркинлиги ва озодлиги, инсон ва фуқаро ҳуқуқи ҳақидаги ғоялари билан ёшлар онгини заҳарлаганликда айбланиб ўлим жазосига ҳукм этилган. Ҳукм ижросини кутар экан, Сукрот ўзининг Пифагор ғояларига ижобий муносабатини яна бир бор намоёиш этиб, агар менга тангрилар шуни раво кўрган экан, демак, ўз ўлимимга лойиқман, дея хитоб қилади.

Сукротнинг ўлимидан қаттиқ таъсирланган Афлотун унинг ақл-идрокка асосланган ғояларини давом эттиришга аҳд қилади. У инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги ғояларини «Идеал давлат» асарига ёқлаб чиқади. Афлотун аёл ва эркак тенглигини тан олса-да, аёлнинг идеал давлатнинг бошқаришдаги иштирокчини рад этган. Таниқли француз адиби Лопе де Вега: «Аёл кишини ҳурмат қилиш ҳар бир кишида туғилиши биланоқ пайдо бўладиган бурчидир», деб ёзганди. Умуман, аёл кишининг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш камситиш барча таълимотлар ва динлар томонидан ман этилади. Лекин шунга қарамай, аёлларни эркакларга нисбатан бир поғона паст кўрсатишга уринишлар баъзан оилада, ишхонада, жамиятда ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган иллатдир.

Тарихда эркаклар аёллар устидан ҳукмронлик қилишни ўзининг вазифаларига айлантириб, бу ҳолатни қонунларга киритиб, ваколатни ўз қўлларига сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Масалан, қадимги Бобилда амалда бўлган Хоммурапи қонунларини олиб кўрайлик. Фуқаролик ва жиноят қонунлари йиғиндиси сифатидаги бу ҳужжатга кўра, қизлар турмушга чиққунла-

ригача отасига тегишли ҳисобланиб, бўлғуси эрлари уларни сотиб олиши керак бўлган. Шу тариқа қизлар даромад келтирувчи манбага



айлантирилган. Аёлларга нисбатан бундай муносабатлар таъсирида уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш чораси сифатида ҳийласи, найранги, топқирлиги ошиб борган. Аёл эркакнинг қовурғасидан яралган, деган ривоятга ишора қилиб, улуғ немис шоири Гёте шундай ёзган эди:

*Аёлларга зулм ўтказма,
бўлма тошбағир,
Улар қийишқ қовурғадан
яраган, ахир.
Нетсин, Тангри яратибди
уларни шундоқ,
Синиб қолар, тўғрилашга
уринганинг чоқ.
Ўз ҳолига қўйсанг, баттар
қийишадди ул,
Одам ўғли, ўзинг танла —
қай бири маъқул.
Мурувват қил, сенга
қарши қилсалар-да жанг,
Яхши эмас синиб қолса
битта қовурганг.*

Ҳар қандай тўсиқ ва чеклашларга қарамай аёллар, жумладан, Шарқ мамлакатлари аёллари тарихда олий мартабаларга эришишга муваффақ бўлганлар. Деҳли ҳукмдори Элтутмишнинг кизи Розия, мисрлик собиқ қул аёл Шажарат ад-Дур, Аҳмаднагар маликаси Чанд

Биби, массагетлар маликаси Тўмарис ва кўплаб бошқа ҳукмдор аёллар шундайлар сирасиндандир.

XXI асрда яшай бошлаганимизга қарамай, аёл ҳуқуқларини инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми деб қараш дунё миқёсида ўзининг мустақкам аъмолини топди дейишимиз қийин. Шу боис бугунги кунда ҳам бир қатор халқаро ташкилотлар аёлларнинг эркаклар билан тенглигини таъминлаш учун кураш олиб бормоқда. Ҳукуматлар таркиби-

номли рисола ёзган. Бу асар қадимги ҳинд сиёсий ва ҳуқуқий илмининг асосини ташкил этади. Мазкур асар давлат тузилиши, сиёсат, ҳуқуқ ва дипломатияга бағишланган. Унинг ҳуқуқий муаммоларга бағишланган махсус қисмида никоҳ, мерос, кўчмас мулк, қарз олиш ва қарз бериш, жиноятларга бериладиган жазо турлари ва ҳатто хизматкорлик ҳамда қуллар ҳақида батафсил тўхталган. Афсуски, бу қадимий китобда ҳам аёл бир қараганда анча паст ўринга қўйилган.

Ваҳоланки, аёллар бошқаларнинг кулфатини, ташвишини эркакларга нисбатан чуқурроқ ҳис қилади. Улар ўзганинг дардини ҳам ўзиникидек юракка яқин олади. Аёл зоти урушни, босқинчилик ҳаракатларини ёмон кўради. Чунки уруш бевақт ўлимга, кўз ёши ва айрилиқларга сабаб бўлишини яхши билади. Аёлнинг садоқати ва матонати баъзан эркакларни ҳам лол қолдиради.

Кўриниб турибдики, аёллар ҳуқуқлари узоқ тарих давомида тақдирнинг турли сўқмоқларидан ўтган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан бери аёлларнинг юртимиз ижтимоий ҳаётида, оилада тутган мавқеи янада ошди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги алоҳида қайд этилган. Бугун хотин-қизларимиз барча соҳаларда эркаклар билан елкама-елка тенг туриб, Ватанимиз тараққиёти йўлида хизмат қилмоқда. Уларнинг орасидан фан ва санъат арбоблари, тадбиркорлар етишиб чиқмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари орасида ҳам опа-сингилларимизни учратишингиз мумкин. Бу республикаимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги таъминланишига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Инсоният тарихида АЁЛ номи бош ҳарфлар билан битилган. Зеро, бу зот ҳаммиша эъзоз-эҳтиромга, меҳр-мурувватга лойиқдир. Халқимизнинг азалий урф-одатлари, эзгу қадриятларимиз асосида тарбия топаётган авлодлар қалбида онага, сингилга, умр йўлдошига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, аёлга эҳтиром туйғусини сингдириб бориш жамиятимизнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолаверди.

Сожида МУРАТОВА,
подполковник.
Шербек РАҲМАТОВ,
катта лейтенант.

Инсон — олам беазаги

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки,
эрур ёрлиғ иш.*

*Кимники, инсон десанг,
инсон эмас,
Шаклда бир, феъда яксон эмас.*

А. НАВОИЙ

*Ердаги жамики гўзал нарсалар —
офтобдан ва барча яхши нарсалар —
инсондан.*

М. ПРИШВИН

*Инсон — бутун бир олам, фақат
ундаги асосий туйғу олижаноблик
бўлса бас.*

Ф. ДОСТОЕВСКИЙ

*Олим, шоир, жангчи-ю, қонуншунос
ва ҳоказо бўлиш яхши, лекин шулар
баробарида инсон бўлмастик ёмон.*

В. БЕЛИНСКИЙ

*Ҳамиша қаҳрамон бўлиш мумкин
эмасдир, лекин ҳаммиша инсон бўлиб
қолиш мумкин.*

И. ГЁТЕ

*Биз, фақат курашувчи инсонгина
қадр-қимматга эга бўлган замонда
яшамоқдамиз.*

Э. ТЕЛМАН

*Инсон эзгуликни ва улуғликни орзу
қилиши керак.*

А. ГУМБОЛДТ

*Ўз-ўзини тарбияламоқ учун аввало
киши ўзини бешафқат, холис судга
чақирмоғи керак, ўз нуқсонлари,
камчиликларини аниқ ва очиқ-ойдин,
ғурурини аяб ўтирмай, тушуниб
олиши ва улар билан келиша оламанми
ёки йўқми, уларни ортиқча юк қилиб
бўйинимга илиб юраманми ёки четга
улоқтириб ташлашим зарурми,
деган масалани узил-кесил ҳал этиб
олмоғи керак.*

Н. ОСТРОВСКИЙ

Энг мушкул касбу кор инсон бўлишидир.

ХОСЕ МАРТИ

Инсон бўлиш — бу санъатдир.

НОВАЛИС

*Ўзингда қандайдир ожизликни пайқаб
қолдингми, сохтагарчилик ва муғамбирликни
йиғиштириб қўйиб, тузалиш пайида бўл.*

Э. ДЕЛАКРУА

*Хулқ тузатилишига қараганда бузилишига
мойилроқ.*

Л. ВОВЕНАРГ

*Ўзимни ёмон ишдан тийишга қурбим
етмайди, дейиш — одам ўзини одам
эмас, ҳатто ҳайвон ҳам эмас, балки
буюм, деб тан олиши билан барбардир.*

Л. ТОЛСТОЙ

КИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Сайдулло Эркинович МАХСУДОВ.



1986 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Кўприкбоши» маҳалла фуқаролар йиғини Пайваста кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Шаробиддин Абилович Хўжаев.



1966 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Сарбонтела» маҳалла фуқаролар йиғини Ю. Мирзаев кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 2-қисми ва 168-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Иброҳим Позилович САЛАЕВ.



1968 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини К. Мавлонов кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Одилжон Нейматуллаевич НАСРИДДИНОВ.



1975 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини Т. Режапов кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Рўзихаммад Машрапович ҚОРАБОЕВ.



1966 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Мойариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини Андижон кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми ва 243-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Абдулазиз Абдуқайумович ТУРСУНОВ.



1986 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Ширмонбулок» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Хайрулла Насриддинович ИСМАНОВ.



1986 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Кулла» қишлоқ фуқаролар йиғини Чилонзор кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Козимжон Суронбоевич ҚЎЧҚОРОВ.



1981 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини Таяка кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми, 168-моддаси 2-қисми ва 209-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Ҳайитбек Алижон ўгли АБДУРАЗЗОКОВ.



1991 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Ширмонбулок» қишлоқ фуқаролар йиғини Бинафша кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28/223-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Мутолаа

Эрта тонг эди. Эндигина кўтарилган офтобнинг илиқ нурлари деразаларга тушиб, уйларни ёрита бошлаган эди. Ишга вақт-лироқ бориш, тўғрироғи, олтин куз ҳавосидан тўйиб нафас олиш иштиёқда уйдан чиқдим. Бир оз этни жунжитадиган шабада эсарди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтибди шекилли, асфальт йўлка нам.

Муюлишдан ўтиб катта кўчага чиққанимда кўк дарвоза олдида турган бир болага кўзим тушиб қолди. Оёғида, дасиники бўлса керак: катта калиш. Бир томонга қийшайиб кўзларига тушиб турган қалпоқ ҳам ўзиники эмас эди. Яқинроқ бордим. Бола кўзларини кўчага тикканча, иштаҳа билан қарс-қурс қилиб алланарса ерди. Ҳавасим келиб кетди.

— Нима еяпсан, ошна! — дедим ёнига яқинлашиб.

— Узум, — деди бола қалпоқ остидан кўзларини менга тикиб. Кейин кўйнидан бир нима олди. Бу — етилиб турган катта бир бош қора чарос эди. — Олинг.

У шундай деди-да, оғзини катта очиб илжайди. Совуқданми ё узумнинг рангиданми лаблари кўм-кўк кўкариб кетган эди.

— Олинг, — деди бола яна. Лекин ўзи жавобимни кутмасдан бир гужум узумни оғзига ташладию, бир-икки қарсиллатиб ютиб юборди. Тамшаниб кўйдим. Йўлга тушдим. Аммо йўлнинг ярмига етганимда боланинг қўлидаги чаросдан, шунақа етилган тимқора чаросдан бирам егим келиб кетди! Қани энди бир боши бўлса-ю, худди шу боладек қарс-қурс сувини сачратиб есанг?!

Болалигимизда кўпинча шундай қилардик. Бизнинг қишлоқ боғ қишлоқ эди. Каттабоғ деб бекорга аташмаган. Қишлоқнинг орқа томонида, эс-эс биламан, катта узумзор бор эди. Атрофи пастак пахса девор билан ўралган бу узумзорнинг юз хил рангдаги узумлари ҳамманинг ҳавасини келтирар, ўтган ҳам, кетган ҳам суқ билан қарамай иложи йўқ эди. Биз, болалар учун эса, узумзор сирли бир дунё эди. Ҳаммамизнинг уйимизда хусайними, бувакими ё

бошқа хил узум исталганча бўлса ҳам, шу боғдаги узумлардан кўзимизни узолмасдик. Ҳамманикида узумдан кўп барг бўлса, бу боғнинг ишқомларида барг деярли йўқ эди. Пўсти шилинган оппоқ тол пояларига оқ, қизил, сариқ, қора маржонлар гўё гуж-гуж қилиб осиб қўйилгандек эди.

Бир куни ўқишдан қайтаётим, болалардан беш-олтита шўхроғимиз бир жойга йиғилдик-да, ўғрилиқ қилишга қарор

товуш билан. — Узум керак экан, айтмайсанми, ўзим узиб берардим.

Бундай муомалани мен сира кутмагандим, йиғлаб юбордим. Кўзимдан оққан ёшни артиш учун кўлимни кўтарган эдим, кўйлагим иштонбоғимдан чиқиб кетиб, кўйнимдаги узум ер билан битта бўлди. Аммо чол эътибор бермади. Кўрган бўлса ҳам ўзини кўрмаганликка солиб мени юпата бошлади.

— Йиғлама, нега йиғлайсан, тентак, — деди у бошимни силаб. — Бир

хаёллар менга тинчлик бермай қолди.

Орадан икки-уч кун ўтмай, Каттабоққа қараб йўл олдим. Эски қишлоқ ўз ўрнида эди. Аммо ўзгариб кетибди. Чиройли уйлар, янги кўчалар тушибди. Анҳор ёқалаб, қишлоқнинг орқа томонида ўтдим севишиб кетдим. Узумзор, ўша қадим узумзор, аввалгидай яшнаб турарди. Девор ҳам ўша девор, фақат текис қилиб суваб қўйилибди. Тагида уч-тўртта бола ёнғоқ ўйнаб ўтирибди.

Боққа қарардим. Юз хил рангдаги узумлар оппоқ тол пояларига атайин териб қўйилгандек гуж-гуж эди.

— Ошна, — дедим, болалардан биттасини чақириб. — Менга қара, бу узумчи ота шу ердиканлар ҳозир, билмайсанми?

Бола ғалати назар билан қаради-да, дўқ аралаш сўради:

— Сиз кимлари бўласиз?

— Ҳеч кимлари. Ўзим шундай кўрай деб келдим.

— Узумчи бувам йўқлар. Бултур ўлганлар.

Сесканиб кетдим. Бутун вужудимни титроқ босди. Менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолган болаларга эътибор бермай, секин орқамга қайта бошладим. Лекин юролмадим, тўхтаб қолдим. Қанча турдим, билмайман, бир маҳал орқамдан:

— Қани, ҳой болалар! Болалар-ов! — деган овоз эшитилди.

Шартта узумзор томонга ўтирилдим. Деворнинг орқасида оппоқ яқтагининг этагига тўлатиб узум солиб олган бир йигит жилмайиб турарди. Мен то ўзимни ўнглаб олгунимча болалар этакни бўшатишди, йигит узумзор ичида ғойиб бўлди.

— Ким бу? — сўрадим ҳалиги боладан боққа ишора қилиб.

— Узумчи бувамнинг ўғиллари.

Юрагим ўйнаб кетди. Боғ томонга югурдим. Деворга етганимда чақирмоқчи бўлиб оғиз жуфтладиму, лекин дарров айнадим. Оёғига қизил этик, яқтак устидан кўк қийиқ боғлаб олган баланд бўйли йигит ишқомлар орасидан битта-битта қадам ташлаб борарди. Унга тикилар эканман, ёшлигимнинг ширин хотираси — узумчи бобони кўргандек бўлиб кетдим.



қилдик. Икки киши соқчилик қиладиган, қолганларимиз боққа тушадиган бўлдик.

Китоб-дафтарларни кичик болалардан бериб юбориб, пойлай бошладик. Кўчада ҳеч ким қолмади. Ҳамма ёқ жим-жит. Секин деворга яқинлашдик-да, битта-битта боққа тушдик. Узум! Оғзимиз очилиб қолди. Бир чеккадан узиб кетавердик. Бир қўл билан юлиб кўйнимизга солалар, бир қўл билан оғзимизга. Бирпасда кўйнимиз тўлиб кетди. Кимдир чўнтақларига, дўпписига ҳам солиб олди. Энди кетамиз деб турган эдик, узоқдан:

— Ҳў-ҳў-ҳўй! Ким бор? — деган овозни эшитиб қолдик-ку!

Шерикларим тапиратупурига олиб қочиб қолишди. Мен бўлсам узумни кўп еб кўйганимданми, ё қаттиқ кўрқиб кетганимданми, қимир-лолмай қолдим. Нима қилишимни билмай кўзимни чирт юмдим-да, жойимда туравердим. Қанча турдим, билмайман. Кўзимни очсам, рўпарамда қизил этик, оқ яқтак кийиб, устидан кўк қийиқни боғлаб олган баланд бўйли бир чол жилмайиб турибди. Қалтираб кетдим.

— Қўрқма, қўрқма, болам, — деди у майин

бош олибсанлар, икки бош олибсанлар, нима бўпти? Камайиб қоладими? Қара, бу узумларни! Қанча ахир. Ҳаммага етади. Қани, бу ёққа юр!

Чол кўлимдан ушлаб етаклаб кетди. Боғнинг ўртасидаги ишқомга кирдим. Ишқом тўла ёнғоқдек-ёнғоқдек келадиган қора чарос эди.

— Тузукми? — деди чол менга қараб ва кулиб қўйди. Кўкрагига тушиб турган қалин оппоқ соқоли силкиниб кетди. — Тузук бўлса, шундан узиб бераман.

У қийиғига осиб кўйган пичоғини қинидан суғуриб узум уза бошлади. Бирпасда яқтагининг иккала бари тўлиб кетди.

— Мана, болам, ол. Ўртоқларингга ҳам олиб бор.

Мен апил-тапил узумни кўйнимга солиб, кўчага югурдим. Раҳмат айтиш ҳам эсимдан чиқибди. Эшик тагига етганимда орқамга бир қараб қўйдим. Чол менга тикилганича жилмайиб турарди.

Шу-шу, деярли ҳар куни боққа чарос егани кириб турадиган бўлиб қолдим. Аммо бу узоққа бормади. Шаҳарга кўчиб кетдик.

Мана, шундан бери қанча йил ўтиб кетди. Ҳозир қишлоқ қалай экан? Ўша машҳур узумзор-чи? Бормикан ҳали ҳам? Боғбон чол-чи? Бу

Килмиш-қидирмиш

Санамгул Дилфузанинг хонасига кирганида у ерда ҳеч ким йўқ эди. У ёқ, бу ёққа қаради-да, кийим илгичда турган костюмнинг чўнтагига қўл тикди. Сўнг Дилфузанинг пластик карточкасини олиб, секингина хонани тарк этди...

Дилфуза ишдан кейин ул-бул харид қилмоқчи бўлиб дўконга кирди. Лекин чўнтагидан пластик карточкасини тополмади. Ҳатто сумкачасини титкилаб кўрди – карточка йўқ. Кейин ишхонада қолиб кетгандир, деган хаёлда дўкондан чиқди.

Эртасига ишга келиб, хонасидаги стол тортмаларини қаради, топилмади. Нима қиларини билмай ўтирганди, хонага бир нотаниш аёл кириб келди:

– Кечирасиз, Санамгулни излаб келгандим, – деди у. – Мендан эллик минг сўм

– Бозор нархи беш юз минг сўм, сизга устига қўймай бераман, – деди Маъмура.

– Пулини икки бўлиб берсам бўладими?

– Майли, фақат чўзиб юборманг.

Шундан сўнг ҳафта-ўн кун ўтиб Санамгул Маъмурага икки юз минг сўм келтириб берди. Қолганини кейин олиб келишини айтиб, бошқа қорасини кўрсатмади.

– Холажон, сизни овора қилдим, танишим Тошкентга кетган эди, эрта-индин келади, пулни бериши билан сизга етказаман, – дея холасининг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатган Санамгул яна бир шум режани ўйлаб турганди, Маъмура кўнғироқ қилиб қолди:

– Пулнинг қолганини қачон олиб келасиз, ахир, баҳонадан нарига ўтмай-сиз.

– Опажон, хавотир олманг, бугун кечки пайт унингизга бораман.

Эшикдан қўли кўксига, ўзгача тавозе ва хушомад билан кириб келган Санамгулни Маъмура уйига таклиф қилди. Гап бошламасданок «меҳмон»нинг ўзи бидирлай кетди.

лар солиб қўйилган идишчани қўлига олди. Боши хушидан учиб, телефонга ёпишди. Қайта-қайта Санамгулнинг телефон рақамини терди, аммо...

Санамгулни ишхонасидан, уйдан ҳам топа олмаган Маъмура Жиззахга, тилла буюмлар савдо қилинадиган бозорга борди. Айланиб юриб бир аёлнинг ўзиники сингари билан узук сотаётганини кўрди. Ундан буюмнинг нархини сўраб, қўлига тақди. Кейин билакузукни кўздан кечириб, унда заргар қўйган белгини кўрди.

– Опа, илтимос тўғриси-ни айтинг, бу билакузукни кимдан сотиб олдингиз?

Аваллига сотувчи аёл Тошкентдан олиб келганман, деб туриб олди. Маъмура тилла тақинчоқларини ўғирлатганини эшитгач эса, Санамгулнинг кўринишини тасвирлаб берди. Сўнг унга ачинди, шекилли:

– Синглим, ўша аёл эртага келади, озгина пули қолган, олиб кетиши керак, – деди.

Эртасига Маъмура Санамгулни бозорда кутиб турди ва келиши билан қўлидан ушлади. Санамгул бўлса ҳеч нарса бўлмагандек:

– Вой опажон, пулингизни шу бугуноқ олиб бормоқчийдим. Бир танишимда пулим бор эди, ҳозир оламану шу ернинг ўзида санаб бераман, – деди айёрон кулиб.

Шу пайт сотувчи аёл ҳам келиб қолди ва Санамгулни кўрсатиб деди:

– Мана шу аёлдан сотиб олгандим.

Санамгул сир бой бермай, ортига қаради-да, ўзини ҳайрон қолаётган кўрсатиб:

– Мени айтаяпсизми? Хола, мен сизни биринчи марта кўриб туришим, – деди киприк қоқмай.

– Вой ўлай, эрим қамалиб қолди, қарзини тўлаяпман, деб сотиб кетдинг-ку!


Бақир-чақир сабаб улар атрофига беш-олти киши йиғилди. Маъмуранинг аризаси бўйича ички ишлар идораси ходимлари пайдо бўлишди. Қўлга тушганини тушуниб этган Санамгул ноилож тилини тишлади...

– Тергов жараёнида Ж. Санамгул бир неча марта ўғрилиқ қилгани, фирибгарлик жиноятини содир этгани маълум бўлди, – дейди терговчи, капитан О. Анорбоев. – Гарчи ҳар бир ҳолат бўйича турли баҳоналарни кўрсатишга ҳаркат қилмасин, унинг қинғир ишлари тегишли далиллар ҳамда жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ўз исботини топди.

Аёл – мўътабар зот. Бу зот шаънига доғ тушириш эса таассуфли ҳол. Ўғрилиқ ва фирибгарликни касб қилиб олган Ж. Санамгулнинг қилмишлари ҳам унинг шаънига ўчмас доғ бўлиб тушди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Жиззах вилояти.



қарз олганди. Кеча манави пластик карточкадан ечиб олаверинг, деб берганди, унда пул қолмаган экан.

Дилфузанинг кўзи пластик карточкага битилган ўз исми-шарифига тушди ва бирданга хушёр тортиди. Шу пайт тўсатдан хонага Санамгул кириб қолди. Аёллар уни сўроққа тутдилар. Аммо Санамгул ўзига сув юқтирмаслар тоифасидан эди, шаллақиликни бошлади:

– Сенлар атайлаб уюштириб, менга тўхмат қила-япсанлар! Ҳеч қанақа пластик карточкани олганим йўқ, ҳеч кимдан қарз ҳам олмаганман!

Лекин далиллар олдида бўйин эгишдан бошқа иложи қолмагач, айёрликка ўтди, одатдагидек қуюқ ваъдалар бериб аёлларни тинчлантди.

Орадан бир кун ўтиб, Санамгул аёллар саломи эгаси Маъмуранинг олдига борди. Маъмура унга яқинда Тошкентдан янги кийим-кечаклар олиб келганини айтиб мақтанди. Санамгул кийимларни кўздан кечирар экан, дарров Маъмуранинг пинжига кирди.

– Опажон, жон опа, мен ҳам худди мана шунақа пальто олмоқчи эдим, – деди суйкалиб.

Бу орада холаси тилла узугини сотмоқчи бўлганини эшитган Санамгул оёғини қўлга олиб унинг уйига етиб борди.

– Сотмайдиган бўлдим, жиян, яхши ният билан келинимга совға қиламан, деб олиб қўйдим, – деди холаси унинг муддаосини эшитиб.

– Холажон, келин олишингизга ҳали камида тўрт-беш йил бор, у пайтда бу узукни келин тақармиди. Ҳар йили янги-янги гилари чиқиб турибди-ку, – деди Санамгул узукни қўлига олиб.

Холаси елкасини қисди. Санамгул бундан фойдаланиб отни қамчилади, аврай-аврай охири холасини узукни сотишга кўндирди.

– Заргар танишларим бор, сиз айтган нархдан ҳам кўпроғига сотиб беришадим, – деди узукни сумкачасига жойларкан.

Кейин холасини лаққа туширганидан қувониб, уйни тарк этди.

Кўз очиб-юмгунча уч-тўрт ҳафта ўтди. Аммо устаси фаранг жияндан хабар бўлмади. Хола унинг уяли телефон рақамини олиб қолмаганидан афсусланиб, Даштободга йўл олди.

– Опажон, пулни йиғиб тайёр қилиб қўйганимда, холамнинг бошига мушкул иш тушиб қолди. Нима қилай, онагинамнинг яккаю ёлғиз синглиси. Ёрдам бергин, деб йиғлаб тургач, чидай олмадим, – дея кўзига ёш олди.

Қараса, Санамгулнинг дийдиёси тугамайдиган, муддаога ўтишни сўради.

– Узоғи билан бир ҳафтада пулингизни тўлиқ қилиб олиб келаман, – деди Санамгул қўлини кўксига қўйиб.

Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглади. Маъмура уйдан чиқиб биланок Санамгул хона тўрида турган сервант олдига борди. Қўлга илинадиган нимадир топиш илинжида мебель тортмаларини очиб кўрди ва тилла тақинчоқлар солинган идишчага кўзи тушди. Тезда идиш ичидагиларни сумкачасига солди-да, жойига ўтирди.

Маъмура қайтиб келганида Санамгул:

– Энди мен турай, кеч бўлиб қолди, опа, – дея ўрнидан кўзгалди.

Санамгулни кузатиб келган Маъмура кўнгли ниманидир сезиб шоша-пиша уйга кирди, тилла тақинчоқ-

КИДИРИЛМОҚДА

Қодиржон Қобилжонович МҶМИНОВ. 1978 йилда туғилган. Андижон шаҳри Н. Охунов кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Омадхон Тўхтаровна ҲАЙИТБОЕВА. 1974 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Кулла» қишлоқ фуқаролар йиғини Дўлон кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми ва 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Йўлдош Аҳмаджонович НАЗИРОВ. 1956 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Андижон» шаҳарча фуқаролар йиғини Раиш кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Фаррух Фарҳодбоевич МАҲКАМОВ. 1988 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Мойарик» қишлоқ фуқаролар йиғини Шохимардон кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Нурилло Турғунбоевич МИРЗАМАТОВ. 1987 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Мойарик» қишлоқ фуқаролар йиғини Андижон кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Жамолiddин Бозорбоевич АКБИЕВ. 1977 йилда туғилган. Хўжабод тумани «Суқалоқ» маҳалла фуқаролар йиғини Янгибек кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.




Зафар Абдувалиевич ЖУМАБОЕВ. 1989 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Андижон» шаҳарча фуқаролар йиғини Кўклам кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Расул Шамсиддинович ҚОСИМОВ. 1982 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Мойарик» қишлоқ фуқаролар йиғини Усмонобод кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Юлчибек Юлдашевич ИСОҚОВ. 1972 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини Ю. Мирзаев кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБга (0-374) 773-20-13 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

▼ **Осиё чемпионати****ШОҲСУПАДА ДИНАМОЧИЛАР**

Қатар пойтахти Доха шаҳрида эркин, юнорум ва аёллар кураши бўйича Осиё чемпионати ўз якунига етди. Йигирмадан зиёд давлатдан 200 нафардан ортиқ тажрибали полвонлар жам бўлган мусобақани мухлису мутахассислар ҳаяжон билан кузатиб боришди.



Мамлакатимиз терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақада муносиб иштирок янни, япониялик Шинобу Отани, КХДР вакили Вон-Чол Юни мағлубиятга учратиб,



этди. Эришилган ютуқларда республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзоларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Ўз вазн тоифаларида динамочилар – Бекзод Абдурахмонов, Элмурод Тасмуродов ва Рустам Аскалов Осиё чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлди. Руслан Плиев, Рашид Курбонов, Умиджон Исманов, Нурбек Холмухаммедов, Дилшод Турдиев ва Жонибек Отабеков эса бронза медали билан тақдирланди.

Юнорум кураши бўйича ўтказилган шиддатли беллашувларда Элмурод Тасмуродов (59 кг) хитойлик Киэ Тишоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. 85 килограммгача бўлган вазнда Рустам Аскалов ҳам барча рақибларидан устун келди. У финалда қозоғистонлик Нурсултон Турсуновни мағлуб этди.

Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларда жаҳон чемпионати совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби Бекзод Абдурахмонов (70 кг) қитъамизда тенгсиз эканлигини намойиш этди. У финалда тожикистонлик З. Юсуповдан 6:4 ҳисобида устун келди.

Эркин САТТОРОВ.

▼ **Кўпкураш**

Навоий шаҳрида республика ички ишлар идоралари Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари терма жамоалари ўртасида кўпкураш бўйича беллашув бўлиб ўтди.

ПАҲЛАВОНЛАР МАЙДОНДА СИНАЛДИ

Тадбир мурасасиз баҳслар остида кечди. Ўз йўналишлари бўйича интеллектуал қобилиятларини ҳам синаб кўрган паҳлавонлар турникда кўтарилиб, тўнтарилиш, 100 метрга югуриш, ўқ отиш, қўл жанги, арқон тортиш, узок масофага югуриш бўйича етита вазн тоифасида куч синашдилар. Энг асосийси, ўтказилган синовлар ҳақиқий кучлиларни саралаб берди.

Якка биринчилик баҳсларида 65 кг. вазн тоифасида сафдор А.Машрабов (Жиззах) биринчи, кичик сержант И.Саидов (Бухоро) иккинчи, кичик сержант К. Атаев (Хоразм) учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. 70 кг. вазн тоифасида эса кичик сержант С.Мустафоев (Навоий) биринчи, сафдор Н.Эмин

жонов (Фарғона) иккинчи, сафдор Н. Атамуродов (Жиззах) учинчи ўринни қўлга киритди. 75 кг. вазн тоифасида бухоролик кичик сержант Ж.Жумаевга тенг келади рақиб топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни сержант О. Абдурахмонов (Андижон) ҳамда сержант Д. Фофуров (Жиззах) эгаллади.

Вазн тоифаси ошган сайин беллашувлар ҳам қизиқарли ва мурасасиз кеча бошланди. Айниқса, вилоятимиз вакили кичик сержант Х.Холиқов 80 кг. вазн тоифасида барча рақибларини ортада қолдирди. Кейинги ўринлар кичик сержант Б.Раджабов (Хоразм) ва сержант Ш.Рауфжонов (Жиззах)га насиб этди. 85 кг. вазн тоифасида лейтенант М.Тўраев (Самарқанд)

биринчи, сафдор Ш.Абдурайимов (Навоий) иккинчи, сержант Х.Аҳмаджонов (Андижон) учинчи ўринларни қўлга киритишди. 90 кг. вазн тоифасида ҳам вилоятимиз вакили, кичик сержант Э.Сулаймонов биринчи ўринни олди. Кичик сержант

Б.Холдаров (Тошкент шаҳар) ҳамда сафдор С.Эназаров (Фарғона) иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди. 90 кг.дан оғир вазнда катта лейтенант А.Холяров (Сурхондарё) биринчи, сафдор О.Шокулов (Самарқанд) иккинчи ва сафдор Д.Маҳмудов (Хоразм) учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

Навоий вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ва иккинчи ўринларни банд этишди. Учунчи ўринни эса Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари терма жамоалари қўлга киритишди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фаррух ЯКУБОВ,
лейтенант.

Навоий вилояти.

▼ **Волейбол**

Кейинги йилларда ички ишлар идоралари ходимларининг спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўляпти. Жумладан, Жиззах вилояти «Динамо» ЖТСЖ томонидан тузилган режага асосан спортнинг бир қатор турлари бўйича вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида мусобақалар уюштирилмоқда. Хусусан, яқинда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида волейбол бўйича биринчилик ўтказилди.

Вилоят ИИБ соҳавий хизматлари ва шаҳар, туман ички

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

ишлар идораларидан 27 та жамоа иштирок этган мусобақалар иккита гуруҳда ташкил этилди. Мурасасиз ўтган беллашувларда Зарбдор тумани ИИБ волейболчилари барча рақибларидан устун келиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин вилоят ИИБ ЁХБ

спортчиларига насиб қилди. Вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди терма жамоаси учинчи ўринни олди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

▼ **Футбол****ХОТИРА ТУРНИРИ**

Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан вилоят ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг хотирасига бағишланди.

Мазкур турнирда вилоят ИИБ аппарати, мустақил бошқарма, бўлим ҳамда шаҳар-туман ИИБларидан тузилган жамоалар ўзаро куч синашди. Қизгин кечган беллашувлар якунида вилоят ИИБ ЁХБ жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси спортчиларига иккинчи ўрин насиб этди. Бошқарма ППХ ва ЖТСБ жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди ва улар раҳбарият томонидан муносиб рағбатлан-тирилди.

Гулшан ИНОФОМОВА,
катта лейтенант.
Тошкент вилояти.

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ёшлар (U-20) терма жамоаси Янги Зеландияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашади. Яқинда терма жамоа бош мураббийи Равшан Ҳайдаров жаҳон чемпионатида борадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

«Бунёдкор» жамоасидан ўн, «Пахтакор»дан етти, «Насаф»дан уч, «Локомотив»дан эса икки нафар футболчи ушбу рўйхатдан ўрин олган. Улардан 21 нафаригина жаҳон чемпионатида иштирок этади. Эътиборлиси, таркибда бу йил Осиё чемпиони лигасида ўйнаб, тажриба тўплаган Жавоҳир Соҳибов, Одилбек Ҳамробеков, Акрам Комилов, Отабек Шуқуров, Элдор Шомуродов ва Забиҳилло Ўринбоев каби футболчилар ҳам бор.

Яна уч кундан сўнг Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Янги Зеландияга учиб кетади. 24 май куни эса Веллингтонда Панама билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

Камол ОЛЛОЁРОВ.

▼ **Шахмат****АҚЛ ЧАРХИ МАШҒУЛОТЛАРИ**

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида қатор спорт тадбирлари ва бошқа кўрик-танловлар ўтказилиши анъанага айланган.

Яқинда курсантлар орасида ана шундай мусобақалардан бири – шахмат бўйича бўлиб ўтди. Саккиз турда йиғилган очколар бўйича шахсий ва умумжамоа ҳисобида ғолиблар аниқланди. Якуний натижаларга кўра, 2-курс курсантлари пешқадамлик қилиб биринчи, 3-курс курсантлари иккинчи ҳамда 4-курс курсантлари учинчи ўринни эгаллади. Шахсий ҳисобда эса 2-курс курсанти М. Фуломовга тенг келади топилмади. 3-курс курсанти Б. Турдалиев ва 4-курс курсанти С. Хожиев кейинги ўринларни банд этди.

Мусобақа сўнгги ғолиб жамоа ва иштирокчиларга ИИБ ЁХОТМ раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шерзод МИРЗАЕВ,
капитан.

